БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 74 (17.067). ● 31 март 1978 йил, жума ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ОБЛАСТЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШ ОММАВИЙ РАВИШДА БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ ВА КУН САЙИН КУЧАЙТИРИЛМОҚДА. СУРХОНДАРЁ, ҚАШҚАДАРЁ, БУХОРО ОБЛАСТЛАРИНИНГ ИЛҒОР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ КАТТА МАЙДОНЛАРГА БАРАКА УРУҒИ ҚАДАДИЛАР.

● ЧИГИТ ЭКИШНИ ҲАММА ЖОЙДА АВЖ ОЛДИРАЙЛИК, БУ МУҲИМ ИШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН АЪЛО ДАРАЖАДА ЎТКАЗИБ, ГЕКТАРЛАРНИНГ ТЎЛА, УЯЛАР СОНИНИНГ БУТ БЎЛИШИГА ЭРИШАЙЛИК!

● ЭКИШ АГРЕГАТЛАРИ ТЎХТОВСИЗ, ГРАФИК АСОСИДА ИШЛАТИЛСИН, ЕР БАРВАҚТ, СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАНСИН, БОРОНАЛАШ, ЧИЗЕЛЛАШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН, БИР ҚАРИЧ ЕРНИ ҲАМ БЎШ ҚОЛДИРМАЙ, ЯХШИ ТАЙЁРЛАНГАН, САРАЛАНГАН УРУҒ ЭКАЙЛИК!

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент области саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳамда энг муҳим буюмлар кўпчилик турини ишлаб чиқариш юзасидан биринчи квартал планини муддатидан илгари, 29 мартда бажардилар.

Область саноати март охирига қадар пландан ташқари 35 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация этади.

* * *

Хоразм области саноат корхоналари ўниничи беш йиллик топшириқларини барвақт адо этиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш, энг муҳим маҳсулот турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш биринчи квартал планини 29 март куни, муддатидан аввал бажарди. Ой охиригача планга қўшимча равишда икки миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Сурхондарё области саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш, буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан квартал планини 29 мартда, муддатидан илгари адо этдилар. Квартал планига қўшимча тўрт миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ОМСК ОБЛАСТИНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

30 март куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Омскда КПСС область комитети бюросининг аъзолари билан учрашиб, суҳбатлашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири Л. М. Замятин ҳам қатнашди.

Область партия комитетининг биринчи секретари С. И. Манякин партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг партия XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорларини бажариш борасидаги ишлари тўғрисида ахборот берди.

У беш йиллик планида кўзда тутилганидек, иқтисодий потенциали янада кўпайтириш борасида ҳал этилаётган конкрет проблемалар тўғрисида, ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш ва такомиллаштириш ҳақида гапирди. Партия ва хўжалик органлари меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш резервларини изламоқдалар. Бунга областда авж олдириб юборилган социалистик мусобақа ёрдам бермоқда. Меҳнат коллективлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни текшириш шуни кўрсатадики, беш йиллик уч йили топшириқларини бажарибгина қолмай, балки ошириб бажариш учун ҳам реал имкониятлар бор.

Ўртоқ С. И. Манякин областда қишлоқ хўжалиги масалалари ва шу жумладан гўшт ҳамда сут чорвачилиги маҳсулдорлигини ошириш масалалари қандай ҳал этилаётганлиги тўғрисида гапирди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев уйжой қуриш масалаларини ҳал этиш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, савдо-сотиқни ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш масалалари билан қизиқди. Ўртоқ С. И. Манякин айтдики, беш йил ичида 3 миллион квадрат метр чамаси уй-жойни фойдаланишга топшириш мўлжалланяпти. Беш йилликнинг икки йили ичида область меҳнаткашлари қариб 1.5 миллион квадрат метр уйжой олдилар. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, савдо-сотиқни кенгайтириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни, транспорт ишини яхшилаш борасида конкрет чоралар кўриляпти.

Ўртоқ Л. И.Брежнев ўз нутқида партия Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг меҳнаткашларга самимий саломини топширди ҳамда ўниничи беш йиллик планда қўйилган вазифаларни ҳал этиш йўлида улар бажараётган шу қадар муҳим ишда муваффақиятлар тилади. Омск области ҳамиша, деб давом қилди ўртоқ Л. И. Брежнев, бизда Ғарбий Сибирь иқтисодий районининг машинасозлик, нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати ривож топган, қишлоқ хўжалиги сермаҳсул етакчи области бўлиб келди.

Ўртоқ Манякиннинг Сибирда энг катта комплекслардан бири — Омск нефтьхимия комплекси юксак суръатлар билан барпо этилаётганлиги тўғрисидаги гапларини эшитиш кишини айниқса хурсанд қилди.

Омск пластмасса заводи, шина заводи кенгайтирилмоқда, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарига запас қисмлар ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда. Ўртоқлар, экономикамиз ўлкангизнинг нефть химиясига ҳам, саноат маҳсулотларига ҳам мухтожлигини яхши биласиз. Беш йилликнинг учинчи йилида кўпроқ ва яхшироқ маҳсулот берасизлар, деб ишонаман. Бунинг учун яхши меҳнат қилиш керак, албатта.

Омск области раҳбарлари фаолиятининг яхши омили сифатида шуни айтиб ўтишни истардимки, область айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва харид этиш давлат топшириғини тўла ва ошириб бажарди.

Эндиги вазифа кўкламги дала ишларини муваффақиятли ўтказиш, шу ишларга тракторларни, ёғга ишлов берадиган ва экин машиналарини тахт қилиб қўйишдан иборатдир. Кўкламга яхши тайёргарлик кўриш — мўл ҳосил олишни кўп жиҳатдан таъминлаш демакдир.

Областда меҳнаткашларнинг маиший турмушини яхшилашга кўп эътибор бериляпти. Бу муҳим иш. Киши яхши яшаса, унинг иши ҳам унумли бўлади.

Партия Марказий Комитети, деб давом қилди ўртоқ Л. И. Брежнев, эришган муваффақиятларингизни кадрларни ҳолда партия коллективларининг диққат-эътиборини даставвал ҳал этилмаган проблемаларга, камчиликларни бартараф қилишга қаратади. Мамлакатимизнинг экономикаси каби мураккаб, узлуксиз ривожланиб бораётган хўжаликда бундай проблемалар бор, албатта. Сизда ҳам шундай проблемалар бор.

Шуларнинг ҳаммаси тўғрисида биз КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида принципиал, партиявий гаплар айтдик. Мен хўжалик ишининг ҳар бир участкасида юксак уюшқоқлик, тартиб ва интизомни таъминлаш экономикани ривожлантиришни тезлаштириш манбаидир, деб алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Халқ хўжалиги яхлит бир организм бўлганлигидан ҳамма ерда план топшириқларини бажариш, план интизомига қаттиқ риоя қилиш, шуларни контрол қилиб туришни ташкил этиш шу қадар муҳимдир.

Аҳамияти оз бўлмаган яна бир иш тўғрисида гапириб ўтишни хоҳлардим: кейинги йилларда ишга туширилган янги корхоналар ва объектларнинг лойиҳадаги қувватларини тезроқ ўзлаштириш, шунингдек беш йилликнинг учинчи йилида ишга туширилиган корхоналарнинг қувватларини ўзлаштириш меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот чиқаришни кўпайтиришнинг муҳим манбаидир.

Ахир сизда ўниничи беш йилликда областдаги саноат ишлаб чиқариш ҳажмини асосан цехларни реконструкциялаш ҳамда ишлаб турган қувватлардан максимал фойдаланиш ҳисобига 37 процент кўпайтириш мўлжалланган.

Бутун мамлакатда 1978 йилги планни тўла ва ошириб бажариш учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини яхшилаш учун курашни кучайтириш йўлидаги чинакам халқ социалистик мусобақаси авж олдириб юборилди. Социалистик мусобақа мураккаб, лекин бемалол бажарса бўладиган вазифаларни ҳал этишда ҳар бир коллектив, ҳар бир ходим ўз қобилиятларини намоён этишига имконият беради.

Пировардида ўртоқ Л. И. Брежнев область меҳнаткашларига катта муваффақиятлар тилади ва улар 1978 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш учун яхши ишлайдилар, деб ишонч билдирди.

Ўртоқ С. И. Манякин КПСС Марказий Комитети Сибирь экономикасини ривожлантиришга, совет кишилари фаровонлигини оширишга катта эътибор бераётганлиги учун, суҳбат чоғида айтилган фойдали маслаҳатлар учун ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилик билдирди. У Леонид Ильич Брежневга унинг партия ва давлат фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТЎЛҚИНИДА

ЗАРБДОРЛАРЧА МЕҲНАТ

Ғузор районидаги К. Маркс номли пешқадам пахтачилик колхозининг меҳнатчилари Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик кунида зарбдорларча меҳнат қилиш мажбуриятини олдилар. Шу куни ҳамма бригадалар энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун мусобақалашадилар. Чунончи, Ленин ордени кавалери Рўзман Турдиев раҳбарлик қилаётган коллектив донгдор пахтакор Аҳмад Бердиев бошлиқ бригадани мусобақага чақирди. Улар 22 апрель куни одатдаги иш кунларидагига нисбатан янада астойдил меҳнат қилишга аҳд қилдилар.

Ғузор районидаги бошқа хўжаликлар ҳам шанбаликка тайёргарлик кўрмоқдалар.

ИРРИГАЦИЯ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ГИДРОСОЗЛАР ШИЖОАТИ

Жиззах бош насос станциясининг бунёдкорлари шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Қурилишнинг бош пудратчиси «Гидростой» трестига қарашли 54-механизациялашган кўчма колонна коллективи шу йилнинг биринчи кварталы топшириғини муддатидан анча илгари бажариб, йирик объектнинг жуда катта миқёсдаги ишларини бажаришга муваффақ бўлдилар.

Улкан иншоотни бунёд этаётган бинокорлар иш суръатларини тобора кучайтирмоқдалар. Ҳар кеча-кундузда 150—200 кубометр ҳажмда бетон ётқизишга эришмоқдалар, 4—5 тоннадан ортиқ арматурани монтаж қилмоқдалар. Бу ишлар топшириқда кўзда тутилганидан анча қўпдир.

Қурилишнинг Александр Донец, Сергей Станкевич, Николай Кузнецов бошлиқ бригадаларининг бинокорлари алоҳида ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар. Бу бригадалар кундлик топшириқни 150—160 процент ва ундан ҳам ошириб адо этишмоқда.

Насос станцияси қурувчиларининг бундай шижоат билан ишлашлари туфайли яхши натижаларга эришилмоқда. Улар бу муҳим объектни дастлабки суғориш бошлангунга қадар фойдаланиш учун топширишга аҳд қилишган.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Совети ҳузуридаги гидрометеорология хизмати бош бошқармасини СССР гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш давлат комитетига айлантирди.

„ДАҲБЕТ"ЛИКЛАР ДАЪВАТИ

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Оқдарё районидаги «Даҳбет» совхози далаларида чигит экиш зўр уюшқоқлик билан давом эттирилянти. Хўжаликда биринчи бўлиб Норқозоқ Обидов бошлиқ бригада аъзолари чигит экишга киришган эдилар.

«Даҳбет» совхози пахтапарварлари областдаги барча пахтакор хўжаликларни ўниничи беш йилликнинг учинчи йилида гектаридан камида 30-35 центнердан «оқ олтин» олишга даъват этувчи чақириқ билан чиқдилар.

Ташаббускор хўжалик деҳқонлари бу йил 2905 гектар ерда деҳқончилик қилиб, она-Ватанга 10369 тонна «оқ олтин» етказиб берадилар.

«Даҳбет»ликлар ташаббусига областнинг кўпгина хўжаликлари қўшилмоқдалар ва бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл қосил етиштириш учун шу кунларданоқ пухта замин яратмоқдалар. Суратларда: «Даҳбет» совхози далаларида чигит экиш пайти. Совхоз агрономи Тинчлик Баратов билан селҳачи Тожибой Оқилов ўртоқлар.

Р. Ғафуров фотолари. (ЎзТАГ).

ФАРҒОНА ДАЛАЛАРИДА

Фарғона районидаги Ленин номли сабзавотчилик совхози меҳнат аҳли беш йилликнинг зарбдор йилида она-Ватанга 18,5 минг тонна сабзавот етказиш мажбуриятини олганлар. Ҳозир совхоз далаларида экин экиш ишлари қизғин давом этяпти.

Шу райондаги Усмон Юсупов номли мевачилик, узумчилик совхози миришкорлари боғ-роғларни кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу йилнинг ўзида янгидан 30 гектар боғ барпо этилмоқда. Ҳозир бу майдонларга 12 минг туп кўчат экилди. 20 гектар майдонда эса узумзорлар бунёд этилмоқда.

Қува районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхозининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Нозим Ҳайбуллаев бошлиқ маккажўхорикорлик бригадасида экиш тугалланди. Бригада аъзолари бу йил 160 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 110 центнердан «каҳрабо дон» олишга қатъий аҳд қилган.

О. ҲАКИМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

МОСКВА («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан). Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасини ўзўр кўтаринки руҳ билан муҳокама қилаётган район чорвадорлари мусобақани кучайтириб, меҳнатда катта зафар қўлмоқдалар. Тайёрлов пунктига пландаги 585 тонна ўрнига 700 тонна бўрдоқи ва сўқим гўшти топширилиб, ярим йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 400 килограммдан ошириди.

Район паррандабоқарлари 880 минг дона ўрнига бир миллион дона тухум тайёрлаб, йиллик маррани эгалладилар. Ҳар бош она товуқдан олинган тухум ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча ошириди.

Сут соғувчилар аҳолига 1500 тонна сут жўнатдилар. Бу планда кўзда тутилганидан деярли 400 тонна кўпдир. Қишловдан тўқ ва семиз олиб чиқилган сигирларнинг маҳсулдорлиги юқори бўлмоқда.

НУРОТАЛИКЛАР ИЗИДАН

ТОМДИ ҚЎЙЧИВОНЛАРИНИНГ МАРРАЛАРИ

Бухоро область. Томди районидаги илғор чорвадорларининг слётида Нурота районидаги қорақўйчиларининг ташаббусига жавобан беш йилликнинг учинчи йили учун ошириилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленин номли, «Аяқудуқ», «Авангард», «Юбилейний» ва «Мингбулоқ» совхозларининг қўйчивонлари ҳар 100 бош совлиқдан 140-150 тадан қўзи олиш мажбуриятини қабул қилдилар.

«Юбилейний» совхозидан А. Абдираҳмонов бошлиқ, «Аяқудуқ» совхозидан М. Жанаев, Ж. Қорабоев бошлиқ, «Томди» давлат наслчилик заводидан С. Жакеев, А. Бозорбоев, А. Қорабоев, А. Тулегенов бошлиқ, К. Маркс номли совхозидан Н. Нуртозаев бошлиқ, «Мингбулоқ» совхозидан А. Турдимуротов бошлиқ чўпонлар бригадалари ҳар юз бош совлиқдан 170 тадан ва ундан ҳам кўпроқ қўзи олишга, ҳар бир совлиқ бошига биттадан қўзини ўстиришга, барча урғочи қўзиларни сақлаб қолишга қарор қилдилар.

Умуман район бўйича ҳар юз бош совлиқдан 140 тадан қўзи олиш, ўстириш учун 250 минг бош қўзи қолдириш ва 1978 йил охирига бориб қўйларнинг умумий сонини 562 минг бошга етказиш, урғочи моллар салмоғини 70 процентгача етказиш мўлжалланмоқда. Туғлар сони 3800 бошга, йиғилган 2000 бошга етказилади.

Барча совхозларда баҳорги ва кузги жун қирқими марказлаштирилган тарзда ва қисқа муддатларда ўтказилади. Давлатга 1847 тонна жун сотишга аҳд қилинди.

(ЎзТАГ).

ДОСААФЧИЛАР ТАДБИРИ

30 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР ДОСААФи Марказий Комитетининг IV пленуми бўлди. Пленумда жамият ташкилотларида халқ хўжалиги учун оммавий-техникавий касбдаги кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш масаласи муҳокама қилинди.

Пленум республика ДОСААФи Марказий Комитети ҳузурида ҳарбий-ватанпарварлик, мудофаа-оммавий, таълим ва спорт иши масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиялар тузди.

Пленумда СССР ДОСААФи Марказий Комитети раҳсининг ўринбосари икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-лейтенант А. П. Шилин нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ ПЛЕНУМИ

30 март куни Ўзбекистон Журналистлар союзининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари союз аъзоларининг ижодий активлигини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида секциялар раҳбарларининг ахборотларини тингладилар.

Пленум ижодий секцияларнинг ишини янада яхшилаш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ошириш, партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми, Ўзбекистон ССР Конституциясининг лойиҳаси ўртага қўйган вазифаларни ҳал қилишда журналистлар қўшаётган ҳиссани кўпайтириш тадбирларини белгилади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Молия министрининг ўринбосари Убайдулла Сатторовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ТЮМЕНДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 30 март куни Тюменда бўлган чоғида Тюмень областининг партия ва хўжалик раҳбарлари билан суҳбатлашди. КПСС область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, Тюмень шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Д. Уграк область меҳнаткашлари номидан Леонид Ильич Брежневни табриклашдилар.

Суҳбат чоғида Ғарбий Сибирь ерости бойликларини комплекс ўзлаштириш ва унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш режалари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида гаплашиб олинди. Л. И. Брежнев Тюмень областида газ ва нефть казиб чиқаришни кўпайтириш, мавжуд ресурслардан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Л. И. Брежнев Ғарбий Сибирь районини ривожлантириш юзасидан бир қанча конкрет кўрсатмалар бериб, бу — беш йиллик планда ўртага қўйилган муҳим вазифалардан бири эканлигини уқтириб ўтди. Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун, деди Л. И. Брежнев, капитал қурилиш масалаларига алоҳида эътибор бериш, қувватларни ишга тушириш графигининг бузилишига йўл қўймаслик, бир қанча техникавий ва транспорт вазифаларини ҳал қилиш лозим.

Л. И. Брежнев область ва бутун Ғарбий Сибирь районининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ўртага қўйган ана шу муҳим вазифани муваффақиятли равишда бажарадилар, деб ишонч билдирди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Д. Ф. Устинов иштирок этди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

30 март куни Ўзбекистон ССР Олий Совети бир қанча доимий комиссияларининг мажлислари бўлди.

Саноат доимий комиссияси Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг меҳнаткашларнинг юксак унум билан меҳнат қилиши, яшаши ва ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги ҳисоботини тинглади. Министрлик пахта тозалаш заводларини ва тайёрлов пунктларини янги техника билан таъминлаш сохасида бирмунча иш қилганлигини текшириш натижалари кўрсатди. Кейинги икки йил ичида еттита пахта заводи ва 20 та тайёрлаш пункти қурилди. Пахта толасини чиқитдан ажратадиган 8 та поток линия ишга туширилди. Пахтани цехларга узатиб беришни ва чиқит ортишни механизациялаш юзасидан белгиланган топшириқ бажарилди.

Шу билан бирга депутатлар ўтказган текшириш материаллари меҳнатни ташкил этишда жиддий камчиликлар борлигини кўрсатди. Бир қанча заводларда юксак унум билан ишлаш, техникадан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Пахта заводлари маданий-маиший бинолар билан етарли равишда таъминланган эмас. Айни вақтда социал-маданий ва маиший объектлар қуришга ажратилган капитал маблағлар тўла-тўкис ўзлаштирилмаяпти.

Қабул этилган қарорда комиссия Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигига аниқланган камчиликларни ўз вақтида тугатиш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширишни тавсия этди.

Сув хўжалиги доимий комиссияси Сирдарё областидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Депутатлар кейинги етти йил ичида областда мелиорация ишларининг каттагина программаси бажарилганини инобатга олдилар. Бу ишлар деҳқончилик маданиятини оширишга, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кўтаришга кўмаклашди.

Аммо, катта-катта капитал маблағ сарфланган бўлишига қарамай бир қанча районларнинг хўжаликларида мелиорациядан дуруст наф олишга эришилгани йўқ. Коллектор-зовур тармогининг бир қисми қониқарсиз аҳволда. Кўпгина тик дренаж қудуқлари қувватидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Айрим колхозларда шўр ювиш технологияси ва муддатларини бузишга йўл қўйилмоқда. Мелиорация хизматига, уларни малакали кадрлар, алоқа воситалари, транспорт билан таъминлашга етарли эътибор берилмаяпти.

Қабул этилган қарорда доимий комиссия Сирдарё область ижроия комитетига, республика Госпланига. Мелиорация ва Сув хўжалиги министрлигига ҳамда Қишлоқ хўжалиги министрлигига тегишли тавсиялар берди.

Халқ маорифи доимий комиссиясининг мажлисида Бухоро область маҳаллий Советларининг қишлоқ хўжалиги механизатор кадрлари ва бошқа оммавий касбдаги кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши соҳасидаги иши таҳлил этилди. Ўтган йилнинг ўзидагина областда 11 минг механизатор тайёрланди, уларнинг тўрт минг нафари хунар-техника билим юртларини тамомлаб чиқди. Юқори синф ўқувчиларидан тўқиз мингдан ортиқ йигит ва қиз мактабларо таълим комбинатларида механизаторлик касбини эгаллямоқда. Ҳунар-техника билим юртларида янги ишлаб чиқариш устахоналари биноларини ишга туширилди, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ҳузурида таълим-дарс комбинати очилди.

Депутатларнинг фикрича, Бухоро область маҳаллий Советлари механизатор кадрлар ва оммавий касбдаги бошқа кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши соҳасидаги ишларни такомиллаштириш учун мавжуд имкониятлардан ҳамон тўла-тўкис фойдаланмаяпти. Бу хулоса қабул қилинган қарорда акс эттирилган.

(ЎзТАГ).

КОСМОНАВТЛАР ҲИСОБОТ ЁЗМОҚДАЛАР

Байқўнғир космодроми, 30 март. (ТАСС мухбири). 20 кундан бери «Космонавт» мехмонхонаси 10 ва 16 март куни орбитадаги иш командировкасидан қайтиб келган икки космик экипажларнинг ташвишлари билан яшамоқда. Бугун, космосга қилинган энг олис учиш поёнига етганидан сўнг икки қайта ўтгач, шу учиш қаҳрамонлари Юрий Романенко билан Георгий Гречко амалда учишдан олдинги формага қайтмоқдалар.

Жисмоний нагрузкалар билан ўтказилган сўнгги медицина текширувлари, космонавтлар юрак-қон томир системасининг синчиклаб тадқиқ этилиши врачлар қўйган прогнозларни тасдиқлади: 96 кунлик вазнсизликдан сўнг экипажнинг ерга қўниқиши ўзгаришсиз ўтди. Космонавтларнинг вазни тикланди, мушаклар ҳамда оёқ қон-томирлари мустаҳкамланди. Улар вазнсизликнинг кутилмаган ҳолларидан кўпроқ азият чекдик. Космонавтларнинг Ердаги кийим-кечаги ҳам ўзгартирилди — улар юрганда икки ҳафтага яқин дам берилган резина шимлардан фойдаландилар. у юмшоқ ва оёқ қон-томирларига ортиқча босим вужудга келтиради.

Бугун космонавтлар кун тартибида соғломлаштириш тадбирлари — даволаш физкультураси, зарядка, парк бўйлаб сайр қилишгина қолди. Юрий Романенко билан Георгий Гречко қолган вақтичида борт ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар — кема ва станциянинг турли системалари устида инженерлар, мутахассислар билан суҳбатлашмоқдалар. Бу конференцияларда халқаро экипаж аъзолари Алексей Губарев билан Владимир Ремек қатнашмоқда. Уларнинг учиш тўғрисида берган иш ҳисоботи — космонавтика тарихида космик орбиталарда халқаро ҳамкорлик қилишда янги бир боб бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

БАХТИЁР ОИЛА

Октябрь район Тинчлик проездида ўн тўрт нафар болани тарбиялаб, вояга етказган қаҳрамон она Ибодатхон билан унинг турмуш ўртоғи, ишчи Халил Каримовлар оиласи истиқомат қилади. Бу совет тузуми яратиб берган ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланиб шоду-хуррамлик билан ҳаёт кечириб келаётган минглаб бахтиёр оилаларнинг бири.

Ибодатхон эндигина 44-баҳорни кўрди, ўз бахтидан беҳад ҳурсанд. Абдуқодир, Абдуғаффор ва Тожибой исмли ўғилларини уйлантириб, уйли-жойли қилди. Катта келини Дилоромхон Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаб, ўқитувчиликка йўлланма олган бўлса, иккинчи келини Шоирахон учинчи тикувчилик фабрикасининг илғор ишчиларидан.

Оила аҳил, кишининг ҳаваси келади, йигирма уч киши бир дастурхон атрофида тўпланади.

Ўзбекистон ССРнинг янги Конституция лойиҳасининг эълон қилиниши оила аъзоларини бениҳоя қувонтирди, янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантирди.

— Конституция лойиҳасининг 51-моддасида деди қаҳрамон она Ибодатхон Каримова, — «...бола туғилганда нафақа тўлаш, кўп болали оилаларга нафақалар ва имтиёзлар бериш, шунингдек оилага бошқа турдаги нафақа ва ёрдам бериш йўли билан давлат оила тўғрисида ғамхўрлик қилади» деб ёзиб қўйилган. Мана шу ҳуқуқдан мен тўла фойдаланганимдан фахрланаман. Бу партия ва ҳукуматимизнинг хотин-қизлар тўғрисида қилаётган катта ғамхўрлигидан далолат беради.

— Янги Конституциянинг 53-моддасида, — деди оила бошлиғи Халил Каримов — «Ўзбекистон ССР гражданларига уй-жойнинг дахлсизлиги гарантияланади», — деб ёзиб қўйилган. Оила аъзоларимиз йилдан-йилга кўпая борди. Жойимиз торлик қилиб қолди. Шаҳар ижроия комитетига уй сўраб, ариза бердик. Комиссия келиб, уй шароитимизни текшириб кетди. Яқинда шаҳар ижроия комитети ўнта жонга ҳар бири беш хонадан иборат иккита секция берди. Ҳамма коммунал шароитлар мавжуд. Ана шу жойда хузур-ҳаловат қилиб кун кечирамиз. Бизнинг давлатимиз меҳнаткашларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Буни биз ўз ҳаётимизда кўриб ва сезиб турибмиз. Партия ва ҳукуматимиздан беҳад миннатдормиз.

Биз ҳаётимизнинг ойнаси ҳисобланган Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини тўла равишда маъқуллаймиз.

Ж. МАҲМУДОВ,
Тошкент шаҳри.



Суратда: Боботоғ насос станцияси қурилишида намуна кўрсатиб ишлаётган монтажчи-электр пайвандчи Норқул Шоймуродов (чапда) ва ўнгда қурилиш майдони. Станцияни «Жаркурган» — «Сурханирстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи бунёд этмоқда. Қурувчилар Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасини қизғин маъқуллаб, апрель ойида станциянинг секкизта насосини тўла фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар. И. Хўжаев фотолари. (ЎзТАГ).

Ҳамиша халқ билан

Ўзбекистон Совет Социалистик республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси кейинги 60 йил мобайнида республикада рўй берган чуқур ўзгаришларни илмий асосда анализ қилиб, умумлаштирилганлиги натижасидир.

Лойиҳанинг кириш қисмида республикамиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида туб социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширганлиги, ривожланган социалистик жамиятни — меҳнат аҳлининг чинакам эркинлигини таъминловчи жамият барпо этилганлиги баён қилинган. Асосий Қонунда социалистик жамият сиёсий системасининг алоҳида махсус бобда кўрсатилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки жамият ва давлат ишини бошқариш социалистик жамиятимизнинг сиёсий системасининг ривожланиши ва такомиллашуви билан узвий боғлиқдир.

Сиёсий системага бағишланган бобга меҳнат коллективлари киритилиши (8-модда) социалистик демократияни ривожланиши ва такомиллашаётганлигидан далолат беради.

Лойиҳада, СССР Конституциясида таъкидланганидек, гражданларнинг ўйли-жойли бўлиш ҳуқуқи махсус модда билан мустаҳкамланиши — совет кишиларнинг энг фахрланадиган ютуғидир. Чунки, жаҳонда биринчи марта бизда гражданларнинг уйли-жойли бўлиш ҳуқуқи Конституцияда эълон қилинди ва мустаҳкамланди. Капиталистик мамлакатларнинг ҳеч бирида гражданларга бундай ҳуқуқ гарантиялаб берилмаган. «Социал ривожланиш ва маданият»га бағишланган 3-боб ҳам Коммунистик партия ва Совет давлатининг совет кишиларининг ўсиб бораётган социал-маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш тўғрисидаги ғамхўрлигини ифодалайди.

Конституция лойиҳасида халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг ҳуқуқлари ривожлантирилганлигини кўрамиз. Конституция лойиҳасида халқ депутатлари маҳаллий Советларидаги давлат ва жамоат ишларини бошқаришга гражданларни кенг қўламда жалб этадилар, ўз фаолиятларини жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари билан маҳкам боғлаб олиб борадилар, энг муҳим масалаларни меҳнаткашлар муҳокамасига қўядилар, гражданларни доимий комиссиялар, ижроия комитетлар ишига ва Советларга ҳисоб берувчи бошқа органлар ишига жалб қиладилар, маҳаллий кўнгилли жамиятлар ишини йўлга солиб турадилар ва аҳолининг ижтимоий ташаббускорлигини ривожлантирадилар (142- модда) деб ёзиб кўйилганлиги фикримизнинг далилидир.

Демак, халқ депутатлари маҳаллий Советлари давлат ва жамият ишларини бошқаришга кўпроқ оммавий жамоат ташкилотларини ва меҳнат коллективларини жалб қилсалар, уларнинг ташкилий-оммавий ишлари янада натижали бўлади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси лойиҳасини республикамиз меҳнаткашлари зўр қизиқиш билан кутиб олдилар ва якдиллик билан маъқуллямоқдалар. Конституция лойиҳасини маъқуллаш билан бирга баъзи мулоҳазаларимни айтмоқчиман.

Конституцияни лойиҳасининг 16-бобидаги 140-моддасининг охирига **«доимий комиссиялар ўзларини сайлаган Советлар олдида, шунингдек меҳнат коллективларидаги йиғилишларда йилига камида бир марта ҳисоб берадилар»** деган қўшимча киритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу эса доимий комиссиялар фаолиятга улар тузган Советлар раҳбарлигини ва меҳнат коллективлари билан Советларнинг алоқасини мустаҳкамлайди.

Лойиҳанинг халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига бағишланган 17-бобига қўшимча модда киритилиб, **«Ижроия комитетларнинг бўлимлари ва бошқармалари меҳнат коллективлари ва гражданлар истиқомат қиладиган жойлардаги йиғилишларда йилига камида бир марта ўз фаолиятлари ҳақида ҳисоб бериб турадилар»** деб ёзиб қўйилса. Бу қўшимча ҳам Советларнинг ижро органлари билан меҳнаткашлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси И. М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти сектор мудири.

БУ—БИЗНИНГ КОНСТИТУЦИЯ

Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳаси кўпмиллатли диёримизнинг ҳамма коллективларида бўлганидек бизнинг институтимизда ҳам зўр қувонч ва катта кўтаринкилик билан кутиб олинди ҳамда у қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Барча факультетларда ўтказилган митингларда бахтимиз қомуси ҳақида дил сўзлари айтилмоқда.

Буюк қардошлик оиласида ҳар жиҳатдан юксалган халқимизнинг бугунги камолотига боқиб туриб, ленинчи партиядан, жонажон Совет ҳукуматидан бениҳоя миннатдор эканлигимизни қайта-қайта изҳор этгимиз келади.

Республикамиз янги Конституцияси лойиҳасининг кириш қисмида Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимиз ҳаётида туб социал ўзгаришлар амалга оширилгани баён этилади. Мен республикамиз Конституцияси кириш қисмига қуйидаги жумлалар киритилишини истардим:

«Ўзбекистон буюк рус халқи, рус пролетарияти ёрдамида феодализмдан социализмга сакраб ўтди, шу модад туфайли капиталистик формация азоб-уқубатларидан қутулиб қолдики, бу бизнинг тарихимизда буюк воқеалардандир. Ўзбекистон ана шу оғаларга кўмак туфайли фан-маданияти, экономикаси мислсиз гуллаб яшнаган республикага айланди».

Биз Шарқда машъалга айланган ана шундай республиканинг гражданларимиз!

Институтимиз профессор, ўқитувчилари, кўпминг сонли студентлари ҳақли равишда «Бу — менинг Конституциям» демоқдалар. Ҳақиқатан ҳам бу бизнинг Конституциямиз, коммунизм иши учун хизмат қиладиган конституциядир. Шу нарсани ҳис қилган сайин янада унумлироқ, яхшироқ ишлашга ошиқасан киши.

М. МАДҒОЗИЕВ,
Улуғбек номли Фарғона давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, филология фанлари кандидати,

ЖАСОРАТНИ ЭСЛАБ

29 март куни Ростов-Донда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» китобига бағишланган область конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» китоби юксак партиявий принципиаллик ва талабчанликка, сўз билан ишнинг бирлигига ўргатади, деб таъкидладилар. Конференцияда даҳшатли уруш йиллари Новороссийск бўсағасидаги афсонавий Кичик ерда жанг қилган кишилар, меҳнат ветеранлари, илғор ишчилар ва колхозчилар. Совет Армиясининг жангчилари, партия, совет, комсомол ходимлари қатнашдилар.

Конференцияда КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари И. А. Бондаренко, Шимолий Кавказ ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник В. А. Беликов доклад қилдилар.

Шимолий Кавказ учун олиб борилган жангларнинг ветераклари, конференцияда қатнашган бошқа кишилар ўртоқ Л. И. Брежневнинг хотиротларида Кичик ер жангчиларининг фидокорлиги ва оммавий қаҳрамонлиги, партиямизга садоқати, Ватанга меҳр-муҳаббати мардонавор табиийлик билан кўрсатиб берилганлигини, ҳаётий ва сиёсий умумлашмалар теранлигини айтдилар, Китоб ёшларни революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Ёшлар «Кичик ер»ден оталар шон-шухратига муносиб кишилар бўлишни ўрганадилар.

Леонид Ильич Брежневга юборилган мактубда «Кичик ер» китоби учун чуқур миннатдорчилик изҳор этилди ва бу китобга юксак баҳо берилди. Конференция қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун куч-ғайратларимизни аямаймиз, деб ишонтирдилар.

Конфеоенция ишида КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. А. Голиков, Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг масъул секретари М. И. Котов иштирок этдилар.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИДА

ҚАРШИ, 29 март. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Қашқадарё область Советининг бугун бўлиб ўтган сессияси қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми талаблари асосида область халқ хўжалигида иқтисодий тежамкорликни кучайтириш борасида маҳаллий Советларнинг вазифаларини муҳокама этдилар. Область ижроия комитетининг раиси Б. Элбоев доклад қилди.

Депутатлар область Совети қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати доимий комиссиясининг ҳисоботини ҳам тингладилар.

* * *

ТЕРМИЗ, 29 март. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Сурхондарё область Советининг сессиясида маҳаллий Советларнинг шаҳарлар, район марказлари, ишчи посёлкалари ва қишлоқларни ободонлаштириш соҳасида ташкилотчилик иши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Область ижроия комитетининг раиси Н. Т. Туробов доклад қилди.

Область Советининг социалистик қонунчиликка риоя қилиш ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссияси ҳисоботи ҳам тингланди.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАРБИЯ — КОНФЕРЕНЦИЯ МАВЗУИ

Бухорода бўлиб ўтган область илмий-амалий конференцияси «КПСС XXV съезди социалистик интернационализм ғояларининг тантанаси тўғрисида» деган мавзуга бағишланди.

Конференция катнашчилари Зарафшон шаҳри партия ташкилотларининг, Навоий ГРЭСи, Бухоро педагогика институти партия комитетларининг меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш, социалистик интернационализмни пропаганда қилиш соҳасидаги тажрибалари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

СИЁСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ БОСИБ ЧИҚАРДИ

Сиёсий адабиёт нашриётида «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюциялари ва қарорларида» (тўлдирилган саккизинчи нашри) ҳужжатлар тўпламнинг ўн биринчи томи босилиб чиқди.

Бу томга 1972 йилнинг январидан 1975 йилнинг мартигача бўлган энг муҳим партиявий ҳужжатлар киритилди.

Нашрнинг сўз боши сида таъкидланадики, бу ҳужжатлар партиянинг тўқкизинчи беш йилликда КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари ижодий ташаббусларини коммунистик бунёдкорликнинг навбатдаги вазифаларини бажариш учун муваффақиятли курашга сафарбар этишга халқаро вазиятда янги ижобий ўзгаришларга эришишга қаратилган катта сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолиятидан далолат беради.

Нашр КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтида К. У. Черненко ва А. Г. Егоровларнинг умумий таҳрири остида тайёрланди

(ТАСС).

ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Қисқа муддатли амалий визит билан Москвага келган ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЮСФР иттифоқ ижроия веҳеси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар иттифоқ секретари М. Минич 29 мартда Ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда М. Минични КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

М. Минич жўнаб кетиш олдидан журналистлар билан суҳбатда визит натижаларидан ва ЮСФР Президенти, ЮКС Раиси И. Броз Титонинг мактубини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга топшириш муносабати билан ўтказилган суҳбатдан мамнун бўлганлигини изҳор этди. Ишлар ҳамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда жуда яхши ва муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан хурсандман, деди М. Минич.(ТАСС).

КОМСОМОЛ АХБОРОТИ

МАРРА 110 ЦЕНТНЕР

Шокирали Аҳмедовнинг колхоз комсомол комитети секретарлигидан маккажўҳоричилик комсомол-ёшлар бригадасига ўтиш ҳақида ариза берганига ҳам беш-олти йил бўлиб қолди. Ўтган йили у бошлиқ бригада Бағдод районидагина эмас, Фарғона областида ҳам юқори ҳосил етиштирди. 43 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 110 центнердан ҳосил олинди. Бунда механизатор Холҳўжа Йўлдошев, сувчилардан Нурмуҳаммад Тўланов, Абдуғаффор Султонов, Икромжон Йўлдошев ўртоқларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ш. Аҳмедов бош бўлган бригада аъзолари бу йил янги ташаббус бошладилар. Улар «Пахтакор» колхозининг янги ўзлаштирилган Меҳнатобод массивида деҳқончилик қилишга аҳд қилдилар. Уларнинг бу йилги марраси яна 110 центнердан. Бригада аъзолари илк уруғ ташлаладиган майдонларни сифатли шудгор қилдилар, кўплаб маҳаллий ўғит жамғардилар, икки-уч марта шўр ювиб, яхоб бердилар. Айни кунларда уруғ ташлаш арафасида туришибди.

ОЛДИНГИ САФДА

Қарши шаҳар комсомол комитети республика комсомоли XXI съезди материалларини кенг таргиб қилмоқда. Съезд делегатлари — Ленин комсомоли мукофоти лауреати Шокир Сайфутдинов, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Фарҳод Ирисов, Қарши автобус-таксомотор паркининг шофёри Шоймардон Узоқов, «Узбекнефтегазразведка» трестининг токари Василий Шейтер, Қарши тикувчилик фабрикасининг тикувчиси Диларом Рустамова ва бошқалар съезд материаллари ҳақида ёшларга ҳикоя қилиб бермоқдалар.

«Бир беш йилликда икки беш йилликни бажарамиз» ташаббуси билан чиққан бу ёшлар шу кунларда 1980-1981 йиллар ҳисобига ишламоқдалар. Ташаббус шаҳардаги кўпгина корхоналар комсомол-ёшлари томонидан кенг маъқулланмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

ФАҚАТ АЪЛОГА

Тошкент шаҳар комсомол ташкилотларида «ВЛКСМ XVIII съездига 18 зарбдор ҳафта» ҳаракатида иштирок этаётган ёшлар сафи кун сайин ортиб бораяпти. Тошкент тўқимачилик комбинатининг Любовь Хегай бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси аъзоларининг меҳнат муваффақиятлари айниқса, мақтовга сазовор. Бригада бошлиғининг ўзи шу кунларда 1981 йил қисобига меҳнат қиляпти.

Шаҳарнинг бадиий буюмлар фабрикасидан Зайтуна Баратохунова, 11-«Висотострой» трестидан Зохиджон Обидов, трактор заводидан Владимир Зайцев бошлиқ комсомол-ёшлар коллективлари ҳам ВЛКСМ XVIII съезди ўтадиган кунларда зарбдорчасига ишлаш ташаббуси билан чиқдилар. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирувчиси Ш. Холмуҳамедова эса ўзининг шахсий беш йиллик планини ВЛКСМ XVIII съезди очиладиган кунгача ado этиш учун курашмоқда. Юзлаб комсомол-ёшлар бригадалари ўз маҳсулотларини фақат аъло сифатли бўлиши учун, бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.

ФАНИМИЗ УФҚЛАРИ

БУГУН ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ МАЖЛИСИ ОЧИЛАДИ

1977 йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги кенг нишонланган ва СССР янги Конституцияси қабул қилинган йил сифатида мамлакатимиз тарихидан мустаҳкам ўрин олди. Бу тарихий воқеалардан илҳомланган бутун совет халқи қатори республикамиз меҳнаткашлари, шу жумладан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кўп минг сонли олимлари ва илмий ходимлари ҳам ўтган юбилей йилида фидокорона меҳнат қилдилар. Академиямизнинг илмий-тадқиқот муассасалари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йили планда мўлжалланган ишларнинг деярли барчасини муваффақият билан ado этдилар. Тугалланган илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича қатор ишлар қилинди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларини қамраб олган тўққизта комплекс программа бўйича олиб борилган ишларда дастлабки ютуқлар қўлга киритилди.

Шу нарсани мамнуният билан қайд этиш лозимки, қатор илмий-тадқиқот институтларимиз бажарган ишларнинг халқ хўжалигига жорий этилиши туфайли катта иқтисодий самаралар қўлга киритилди. Айниқса Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтида Учқулоч даги вулканоген карбонат комплексида минерал ассоциацияларининг жойлашиш қонунятларини ўрганиш бўйича бажарилган иш салмоқли бўлди. Ўсимликлар экспериментал биологияси институти томонидан амалга оширилган қатор тадқиқотлар ҳам катта иқтисодий самара берди. Ўтган йили жами етмиш учта тугалланган иш халқ хўжалигига жорий этилди. Ёки жорий этиш учун министрликлар, ташкилот ва муассасалар томонидан қабул қилиб олинди. Шулардан 24 таси пландан ташқари бажарилганлигини таъкидлаш ўринлидир. 56 ишнинг жорий этилиши туфайли халқ хўжалиги 31 миллион сўм иқтисодий самара кўрди. Хисобот даврида Хисоблаш марказили кибернетика институти, Геология ва геофизика, Ўсимлик моддалари химияси, Механика ва иншоотлар сейсмик чидамлилиги, Ўсимликлар экспериментал биологияси, Химия, Биоорганик химия институтлари ҳамда ўнлаб лаборатория ва бошқа ташкилотлар ишлаб чиқаришга самарали меҳнат қилдилар.

Академиямизнинг ташкилотлар билан тузаётган хўжалик шартномалари ҳам йилдан-йилга ортиб бораётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида илмий-тадқиқот институтларимиз 200 дан ортиқ ташкилот ва муассаса билан хўжалик шартномалари тузадилар.

Ихтирочилик ва патент-лицензия ишлари бўйича ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. 1977 йилда олимларимиз СССР Министрлар Совети қошидаги Ихтиро ва кашфиёт ишлари Давлат комитети томонидан 136 та авторлик гувоҳномаси ёки шундай гувоҳнома берилиши ҳақида ижобий жавоб олдилар. Химия ва Ядро физикаси институтларида яратилган ихтироларга эса Венгрия ва Японияда патент олинди.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида ва СССР янги Конституциясининг қабул қилинишига жавобан зиммага оширилган социалистик мажбуриятлар олган илмий-тадқиқот институтлари ва муассасалар маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Пландаги 24 иш муддатидан бир ой илгари бажарилди. Пландан ташқари 60 та илмий-тадқиқот иши тугалланди. Ўн ишнинг натижаси халқ хўжалигига жорий этилди, ўн тўрт иш натижаси эса синовга оширилди.

Халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун Усимликлар экспериментал биологияси институти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан. Сейсмология институти эса Эсдалик байроқ билан тақдирланди. Механика ва иншоотлар сейсмик чидамлилиги институтига Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан маориф, олий мактаб ва илмий муассаса ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Юбилей йилида республикамизнинг деярли барча областларида фан кунлари ўтказилди. Инқилобнинг 60 йиллик тўйига бағишланган «Улуғ Октябрь ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси юксак савияда ва зўр ташкилий ишлар билан ўтди.

1977 йилда олимларнинг «Фан» нашриёти орқали босилиб чиққан асарлари ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан анча салмоқли бўлди. Ўтган йили бу нашриёт 500 дан ортиқ номда монография, илмий асар, брошюра ва журналлар нашр этди. Уларнинг умумий тиражи 7 миллион нусхани ташкил этади. Нашр этилган бу асарлар мамлакатимиз миқёсида фан тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Табиий ва аниқ фан мутахассислари билан бир қаторда ижтимоий фанлар намояндалари ҳам юбилей йилида катта вазифаларни амалга оширдилар. «Октябрь ва Совет Ўзбекистонининг гуллаб-яшнаши», «Совет Ўзбекистонининг социал-иқтисодий тараққиёти», «Совет Қорақалпоғистони ишчилар синфининг тарихи» каби коллектив монографиялар Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги тўйига муносиб туҳфа бўлди. Иқтисодчи, шарқшунос, адабиётшунос, файласуф, тарихчи, ҳуқуқшунос ва тилшунос олимларимиз ҳам самарали меҳнат қилдилар. Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар республика ҳукуматининг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Академиянинг 30 илмий муассасаси аспирантурада 117 мутахассислик бўйича илмий кадрлар тайёрлашни давом эттирди. Ҳозир бизда жами 900 дан ортиқ аспирант таҳсил кўрмоқда. Улар — бизнинг келажагимиз. Лекин 1977 йили ўқишни битирган 180 дан эшёд аспирантнинг ярмигина ўз ишини ҳимояга тавсия этди ва ҳимоя қилди, холос. Диссертациялар ўз муддатида ҳимоя қилинишига эришиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Фан докторларини тайёрлаш ҳақида ҳам ана шундай фикрни айтиш мумкин. Қатор институтларимизда фан докторлари ҳамон оз.

Баъзи илмий-тадқиқот институтлари ва муассасаларимизда фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини тагин ҳам кучайтириш, илмий-тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг натижаларини халқ хўжалигига тезроқ ва кенгроқ жорий этиш бугунги кун талабларидан орқада қолмоқда. Катта иқтисодий фойда берадиган ихтироларни жорий этиш ҳам баъзан ҳаддан ташқари чўзиб юборилаётир. Бу борадаги камчиликлар қанча тез тугатилса, фаннинг том маънода бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиш жараёни шунчалик тезлашади. Қолаверса, фанларнинг ўзаро ва ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлаш юзасидан ҳали кўп иш қилиш зарур. Ҳаёт кашфиётлар билан уларни амалиётда қўлланишда узилиш бўлмаслигига эришиши тақозо қилмоқда. Зеро янги илмий ғояларни амалда татбиқ этиш эндиликда уларни ишлаб чиқиш каби жуда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Умуман барча йўналишда сифат ва самарадорлик учун кураш, резервларни ишга солиш олдимизда турган асосий вазифалардандир. Ҳозир академиямиз олимлари республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилишда фаол иштирок этмоқдалар.

Янги Конституция лойиҳасидан руҳланган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимлари, инженер-техник ходимлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, планли ишларни ўз вақтида ado этишга, зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга ва илмий-тадқиқотларда, уларнинг натижаларини халқ хўжалигига жорий этишда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишга бутун куч-ғайратларини сарфлайверадилар

Ҳ. БОПМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бош илмий котиби, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

«САДРИДДИН АЙНИЙ» КЕМАСИ

СССР Денгиз Флоти министрлигидан хушхабар келди. Таниқли совет ёзувчиси, олим ва жамоат арбоби Садриддин Айний туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш арафасида, денгиз кемаларидан бири унинг номи билан аталадиган бўлди.

Министрликнинг ахборот ишларини ташкил қилиш бўлими бошлиғи Э. Шаропованинг ҳикоя қилишича мазкур теплоход шу кунларда Горький областининг Навашино кемасозлик заводида қурилмоқда. Кема 1979 йилнинг учинчи кварталида сувга туширилади. Бу билан шоир ва адиблар номи билан аталувчи кемалар рўйхати яна биттага кўпаяди.

Тўрт трюмли теплоходнинг узунлиги 124 метр, кенглиги эса 16 метр бўлади. Кема келажакда халқаро денгиз йўллари бўйлаб халқ хўжалик юкларини ташийди. Двигатели уч минг от кучи қувватига эга бўлиб, тўхтовсиз 6 минг миль масофани боса олади. Янги кема Азов, Қора денгиз ва Ўрта Ер денгизларида сузиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон ва Тожикистон ижодий ва жамоат ташкилотлари «Садриддин Айний» теплоходи коллективини оталиққа олишга қарор қилдилар.

А. НИЗОМОВ.

ҲАМЗАХОНЛИК

21 март куни Тошкентда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодини ўрганишга бағишланган адабий ўқишлар бошланди. Бу адабий ўқишларда олимлар ва ёзувчилар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, пойтахт области мактабларининг она тили ва адабиёт муаллимлари қатнашмоқдалар. Бундай ўқишлар шоир туғилган кунининг 90 йиллигига тайёргарлик программаси асосида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи томонидан Тошкент область партия комитети билан биргаликда ўтказилмоқда. Ҳамзахонлик Қорақалпоғистон АССР да, Ўзбекистонинг барча областлари ва шаҳарларида ўтказилади.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

БОШ МИРОБ

Тоғу тошлардан, чўлу биёбонлардан оқиб, бўталоқдек ўйноқлаб оқиб келадиган Зарафшон Хархўр гидроузелида кичик дарё ҳамда каналларга бўлиниб кетади. Шу билан кўҳна ва машҳур дарё ўз номини ўзгартириб, шиддаткорликка, ўжарликка чек қўяди. Деҳқон амрига бўйсунади. Пахтазорларга оқиб, кўкўпар «оқ олтин» тоғларини, боғ-роғларга сингиб, беҳисоб мева, узум, полиз, сабзавот, кенг ғаллазорларга ёйилиб, дон хирмонларини ҳосил қилади...

Яқин-яқинларгача Зарафшон бутун Бухоро областини обиҳаёт билан таъминлаб турувчи ягона манба эди. Областдаги суғориладиган ерлар йилдан-йилга кенгайиши туфайли Зарафшоннинг кучи етмай қолди. Шунда қудратли техника билан қуролланган совет бунёдкорлари Амударёдан Бухорогача сунъий канал ўтказиб, сув етаклаб келишди. Азим Амударё Зарафшонга уланди. Хархўр гидроузелига янада кўпроқ сув кела бошлади. Бу ердаги ташкилий, амалий ишлар кўлами тағин ҳам ортди. Шохрўз, Вобкент дарёлари, юқори Бухоро зонасига кирувчи каналлар ўзанида ўнлаб гидроиншоотлар, сув тақсимлаш пунктлари, механизациялашган узеллар, гидропостлар ташкил этилди, катта реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу ишларнинг аксарияти «миробла мироби», қарийб 80 баҳорни кўрган Шоди ота Нуруллаев номи билан боғлиқдир. Шоди ота бутун умрини, куч-ғайратини, ақл-заковатини ва бой тажрибасини сувга бағишлади, деҳқончилик маданиятини кўтаришга сарф қилди. Сув келтирган элда азиз деганларидек, Шоди ота шу шарафли иши билан бахт топди, эл тилидан, дилидан жой олди, обрў-эътибор қозонди, кўплаб ирригатор ва мелиораторларнинг севимли устозига айланди.

... Сув тошадиган баҳор кезлари яқинлашган сари одамларнинг юрагига ғулғула тушарди. Отлиқ чопарлар уймаюй юриб, шум хабар тарқатишарди: «Хархўр ва Дуабо тўғонларини сув уриб, қишлоқларни, экинзорларни босаётган эмиш». Шунда ҳар бир қишлоқдан битта «ҳашарчилар отряди» тузилиб, Хархўрга йўл оларди.

Ҳашарчилар орасида Вобкент яқинидаги Шакаробод қишлоқлик чойир йигит —Шодивой ҳам бўларди Улар йўл-йўлакай араваларни тол, терак, ўрик ва гужум шох-шаббаларига тўлдиришарди. Шу тахлитда Хархўрга Ғиждувон, Вобкент, Шофиркон, Қизилтепа ва Когондан одам йиғиларди.

Хархўрга сепоя ташлаш машаққатли бўлиб, деҳқонларга қимматга тушарди. Ўнлаб кишилар сувга ғарқ бўлар, қўл, оёқ ва бэлларидан қаттиқ жароҳатланардилар. Дарё кўп ҳолларда бутун бошли сепояларни, унга босилган шох-шаббаларни тоғ-туғи билан қўпориб оқизиб кетарди. Унга инсон зоти бас кела олмайётгандек туюларди.

Совет ҳокимияти тўла ғалаба қилиб, ирригация ишларига кўл урилмагунча, миробларнинг куни вой бўлиб келди. 1930 йилларга келиб, Хархўр бетонлаштирилиб, мустаҳкам тўсиқлар ва сув тақсимлагичлар ўрнатилди. Кейинги йилларда Хархўр сув тақсимлагичи қайта қурилиб, механизациялашган гидроузел барпо этилди. Дарё қирғоқлари темир-бетон тошлар билан шиббаланадиган бўлиб қолди. Миробларнинг ҳам, деҳқонларнинг ҳам машаққатлардан абадий қутулишди. Энди дарёлар жилови одамлар қўлида, сув оқими қудратли техника билан бошқарилиб турилади.

Шоди ака ўша сепоя босиш давридаёқ ҳаққонлиги, сув билан олишишга лаёқатлиги, сепоя босишга усталиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Сепоя ташлаш Шоди Нуруллаевнинг маслаҳатисиз ёки иштирокисиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Уста сепоячи тез орада миробликка ва ундан кейин мастерликка кўтарилди. 1924 йилда Хархўр гидроузелига назоратчи этиб тайинланди.

Шоди Нуруллаев 1939 йилдан бери Хархўр гидроузелига бошчилик қилиб келяпти. Кўл остида 20 нафардан ортиқ назоратчи, бошқарувчи ва гидротехник ишлайди. Бу ерда сув тақсимотидан ташқари сув ўзанларини мустаҳкамлаш, янги тармоқларни очиш, гидроиншоот ва гидропунктларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш, керак бўлган ерда тегишли пункт ташкил этиш, сувнинг ҳар томчисидан самарали фойдаланиш юзасидан комплекс тадбирлар ўтказиб турилади. Ҳозир Зарафшон суви Хархўрга етиб келгач, бир қисми Қуюзор сув омборига, иккинчиси Қизилтепа районининг суғориладиган ерларига, учинчиси Бухоро шаҳрини обиҳаёт билан таъминлаб турувчи Шоҳруд каналига, тўртинчиси Вобкентга, бешинчиси Қоракўл, Олот ва Ромитан районларига, олтинчиси Ғиждувон ва Шофирконга, хуллас Навоий ва Конимехдан бўлак областнинг барча районларига боради. Буларнинг ҳаммаси Шоди аканинг қўлида, унинг тадбиркорона раҳбарлиги остида амалга оширилади.

Шоди ака Нуруллаевнинг узоқ йиллик фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган жуда катта муваффақиятлари, 1977 йилда пахта ҳамда бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва уларни давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятни бажаришдаги шавкатли меҳнатлари учун республикамизнинг бир группа пахтакорларига энг олий мукофот — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берилди. Улар орасида Хархўр гидроузелининг бошлиғи Шоди ака Нуруллаев ҳам бор.

Биз Хархўр гидроузелига борганимизда Шоди ота Москвадан келган бир меҳмон билан ўзи яратган боғ-роғларни айланиб юрган экан.

— Шоди ота, сиз бу ерда жаннат яратибсиз, — деди меҳмон ҳаяжонини яширмай. — Илгари бу ерлар юлғунзор, ботқоқзор бўлганига ҳеч ишонгим келмайди.

— Ҳа, — деди Шоди ота вазмин бош силкиб — ҳозирча етти гектар ерни обод қилдик. Ҳали ўзлаштирса, боғ қилса бўладиган қанча-қанча майдон бўш ётибди. Бир деҳқана сув учун номардлар отамнинг бошини чопишган экан. Ахир, бу ер сувнинг шундоқ ёнида туриб, бекор ётса алам қилмайдими? Тағин бир-икки йилдан кейин келсангиз кўрасиз, бу партов ерлардан асар қолмайди.

О. ХАЛИЛОВ,
Ҳ. ҚОДИРОВ,



Тошкент области. Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз теплицасида иш қизғин. Бу ерда кўплаб карам ва помидор кўчатлари етиштирилмоқда. Суратда: [чапдан] теплицада унумли меҳнат қилаётган М. Сулаймонова ва Д. Қўчқорова ўртоқлар. Пастда— колхоз далаларида плёнка остига экилган эртаги экинлар.

В. Таран фотолари.

САБЗАВОТКОРЛАР ВА БОҒБОНЛАР КЕНГАШИ

Қорақалпоғистон сабзавоткорлари ва боғбонларининг Нукусда бўлиб ўтган слёти қатнашчилари беш йилликнинг учинчи йилида 74 минг тонна сабзавот, мева ва узум етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Слётда Автоном республика хўжаликлари илғор агротехникани кенг жорий этиш йўли билан боғ ва полизлар ҳосилдорлигини анча ошига олишлари мумкинлиги тўғрисида гапирилди.

(ЎзТАГ).

НЕЙТРОН БОМБАСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Жамият тараққиёти, инсоният бахт-саодати тинчлик билан! Биз тинчлик истаймиз! Лекин Америка Қўшма Штатлари жаҳон халқлари тинчлигига таҳдид қилмоқда. Умумий қирғин қуроли бўлган нейтрон бомба ишлаб чиқаришни тобора кўпайтираётганлиги қаҳр-ғазабимизни оширмоқда. Биз одамзоднинг қирилиб кетишини сира хоҳламаймиз. Йўқолсин нейтрон бомба, агрессорлар жиловлансин! Мен иккинчи жаҳон урушида қатнашганман, унинг жароҳатларини кўп тортганман. Шунинг учун болаларимнинг тинч ҳаётда бахтли, ювали-жували бўлишини истайман. Агрессорларнинг жиноятларини қоралаймиз.

АҚШнинг нейтрон бомба ишлаб чиқаришига қарши район муассасаларида митинглар, йиғилишлар бўлаётир. Октябрь район юридик консультация бўлимида бўлган митинг ҳам шунга бағишланди. Митингда кекса адвокатлардан С. Мақсудов, Файзуллаев ва бошқалар ўз сўзларида нейтрон қижодкорларини кескин қоралашди.

Х. ПАРИКОВ.

ОНА ХИТОБИ

Жаҳонда шундай бир улуғ, мўътабар зот бор. Бу — Она! Шу чексиз оламни яратиб кафтида кўтарган, уни ардоқлаган, камолотини тилаган ҳам шу Она! Шу икки олам ҳам Она фарзанди! Тўғри, унинг тараққиёти, бахту омади, қувончу ранжи ҳам шу Она туйғусидандир.

Шундай экан, унинг фарзанди инсоният душмани, ашаддий зарар келтирувчи агрессор бўлмаслиги лозим. Бироқ ер куррасида оналик номига иснод келтириб, инсониятни қирғин қилиб, унинг бойликларини ўмармоқчи бўлган фарзандлар ҳам йўқ эмас. Бу Америка Қўшма Штатларида янги уруш оловини ёқишга интилаётган фашизм! Улар бутун жаҳонга ўлат уруғини сочадиган нейтрон бомбаси «ижодкорлари»! Наҳотки бундай малъунлар ҳам Она фарзанди бўлсе?! Йўқ, улар онабезори, оқпадар, жамият қуз-ғунларидир. Қуёш нурларини ҳеч қандай қора бутут қоплолмайди, нур йўлини зулмат тўсолмайди ҳам. Уларнинг бундай қирғин қуролларини кўпайтиришга, уни Европага жойлаштиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Тинчлик кучлари, тараққийпарвар инсоният агрессорларни жиловлаб кўядилар. Нейтронсозлар йўқ бўлсин!

О. ШОКИРОВА,
Тошкент шаҳар Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» маҳалла комитетининг раиси.

ҚАТЪИЙ ТАЛАБИМИЗ

Нейтрон бомба!.. Бу — оламда ҳеч қандай тирик мавжудот қолмайди — деган сўз! Ахир бутун жон-зот қуйиб, кул бўлса-ю, уй-жойлар, саноат объектлари, бойлик қолса, у кимга керак?! Империалистлар фақат шуни истайдилар! Йўқ! Тинчликсевар жаҳон оммаси, тараққийпарвар инсоният бунга йўл қўймайди!

Уруш йиллари халқимиз бошига тушган оғир кунларни яхши биламан. Норасталарнинг кўз ёшлари, даҳшатли уруш гулханлари сира-сира кўз ўнгимдан кетмайди. Шундай экан, фашизм ишининг давомчилари бўлган Америка Қўшма Штатларининг бундай янги қирғин қуроли ишлаб чиқаришига сира йўл қўймаймиз. Жиноятчилар жазоланишини қатъий талаб қиламиз.

М. ПИНХАСОВА,
Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 30-поликлиниканинг катта ҳамшираси.

ЖАҲОНГА ТИНЧЛИК

Наманган область колхоз ва совхозлари, саноат ва қурилиш ташкилотлари ва муассасаларда бўлаётган митингларда Америка маъмурларининг оммавий қирғин қуроли — нейтрон бомбани Европа мамлакатларига жойлаштириш ҳақидаги мудҳиш ишларини қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар.

Наманган шаҳридаги Обод маҳалласида ўтказилган йиғилишда ҳам сўзга чиққанлар агрессорларга лаънатлар ўқишди, уларнинг қора ниятлари пуч эканлигини айтишди.

А. НАСРИДДИНОВ,

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

МУВАФФАҚИЯТ ҒАРОВИ

Монгол тикувчиси Д. Чанцалга «Монголиянинг VI беш йиллиги зарбдори» деган биринчи рақамли кўкракка тақиладиган нишон топширилди.

Д. Чанцал ана шу фахрли мукофотга ҳақли равишда сазовор бўлди: у беш йилликнинг учинчи — ҳозирги йилида қарийб олти йиллик топшириқни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Халқ Монголиясининг ўнлаб меҳнатчилари беш йиллиқнинг ҳозирги йилини беш йилга мўлжалланган план-топшириқларини бажариш билан нишонладилар. Улар орасида чорвадорлар, деҳқонлар, ишчилар, қурувчилар ва транспортчилар бор. Улар эришган муваффақиятларнинг сири оддий: улар ҳар қандай ишга-ҳалол муносабатда бўлганликлари, иш вақтининг ҳар минути тўғрисида, давлат мулки ҳақида ғамхўрлик қилиш туфайли, пухта ўйлаб тузилган шахсий планлар туфайли шундай муваффақиятга сазовор бўлдилар.

М. КАДДАФИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Ливия Жамаҳирияси умумхалқ конгрессининг бош секретари М. Каддафи Исроил билан сепарат битимлар тузиш йўлига ўтган Миср президенти Садатнинг ҳаракатларини қаттиқ танқид қилди. У Тобрукдаги Британия ҳарбий базаси тугатилганлигининг саккиз йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда нутқ сўзлаб, Мисрнинг Садат бошлиқ ҳозирги раҳбарлари Мисрнинг атоқли фарзанди Жамол Абдил Носирнинг принципларидан ва идеяларидан, унинг араблар дунёси тараққийпарвар кучлари бирдамлигини мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисидаги васиятларига тамомила хоинлик қилди, деб таъкидлади. Садат арабларнинг ошкора душманлари — АҚШ ва Исроил билан яқинлашиш йўлини уялмай-нетмай ўтказмоқда, араб реакцияси билан тилёғламалик қилмоқда, Фаластин халқининг одилона ишига хоинлик қилмоқда, Мисрни Яқин Шаркда империализм, сионизм ва реакция кучларининг жандармига айлантиришга уринмоқда, деди у.

Ливаннинг жанубида Исроилнинг агрессияси айни Садатнинг жиноий сиёсати натижасида рўй берди, деб давом қилди М. Каддафи. Садат Исроил билан сепарат музокаралар олиб бориш йўлига ўтиб, сионист босқинчиларга қарши кураш ишини бўшаштириб юборди, Вашингтон ва реакцион араб режимларининг ҳамма кўрсатмаларига итоатгўйлик қилмоқда.

Ливия, деб давом қилди М. Каддафи, Яқин Шарқдаги одилона ва мустаҳкам тинчликни Фаластин халқи манфаатларига путур етказган ҳолда Исроил билан сепарат битимлар тузиш, империалистик давлатлар ила шубҳали иттифоқ бўлиш билан алмаштиришни истамайди, империалистик давлатлар баъзи араб раҳбарларининг умидларига зид ўлароқ арабларга на тинчлик келтиради, на мустақиллик кафолатини бера олади. Ливия Яқин Шарқда империализм, сионизм ва ички реакцияга қарши курашда Фаластин қаршилик ҳаракатига, барча араб тараққийпарвар кучларига бундан буён ҳам ҳар томонлама мадад кўрсатишга тайёр.

М. Каддафи ички сиёсий масалаларга тўхталиб, Ливия раҳбарлари мамлакатда прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, миллий экономикани мустаҳкамлаш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш йўлидан бораётганликларини таъкидлади. (ТАСС).

ЗИЁУЛ ҲАҚНИНГ ФИКРИ

Покистоннинг бош ҳарбий маъмури генерал Зиёул Ҳақ Лохурда бўлиб ўтган матбуот конференциясида мамлакатнинг кўпчилик районларида осойишталик ҳукм суриб турганлигини айтди. Унинг айтишича, Синд вилоятидагина маҳаллий аҳоли орасида ҳамон ғалаёнлар бўлиб турибди.

Покистондаги сиёсий фаолият 31 мартгача тақиқлаб қўйилганлигини бекор қилиш ёки давом эттириш керакми деган масала юзасидан яқин кунларда қарор қабул қилинади, деди Зиёул Ҳақ.

Менинг номимга, деди генерал, ўлим жазосига ҳукм қилинган собиқ бош министр З. А. Бхуттони афв этиш тўғрисида чет эллардан илтимослар тушмоқда. Покистон бу ишнинг юридик жиҳатидан чет мамлакатларни хабардор қилди, деди у. Покистон олий суди Бхуттонинг афв этишни сўраб берган аризаси муҳокамасини 1 апрелга тайинлади.

(ТАСС).

БИТИМГА ЭРИШИЛДИ

Ливия ЖАНА информация агентлигининг хабар беришича, Чад Республикаси ҳукумати ва Чад миллий озодлик фронтининг (ФРОЛИНА) вакиллари ўқ узишни дарҳол тўхтатиш тўғрисида бир битимга келдилар.

Чад миллий озодлик фронти бир неча йил мобайнида ҳукумат қўшинларига қарши уруш ҳаракатлари олиб борган эди. Кигер, Судан ва Ливиянинг воситачилигида Ливияда бўлиб ўтган музокаралар натижасида томонлар оммавий информация органларида бундан буён бир-бирига қарши душманчилик пропагандасини олиб бормаслик тўғрисида ҳам аҳдлашиб олдилар.

Эълон қилинган ахборотда айтилганидек, томонлар Чад Республикасида миллий сулҳ ва бирликка эришишга интилаётганликларини изоҳ этдилар.

Ана шу битимнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида Чад ҳукумати ва ФРОЛИНА вакиллари навбатдаги учрашувни 1978 йилнинг июнида Триполида ўтказиш тўғрисида келишиб олдилар.

(ТАСС).

МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ УЧУН

Европа касаба союзлари конфедерациясининг ташаббуси билан 5 апрелда ишсизликка қарши халқаро кураш куни ўтказилади. Ғарбий Европа меҳнаткашлари шу кунга тайёргарлик кўрмоқдалар. Европа касаба союзлари конфедерациясининг раиси Г. О. Феттер таъкидлаб ўтганидек, ишсизликнинг ҳалокатли равишда авж олиб кетганлиги меҳнаткашларнинг ана шундай тадбирки амалга оширишларини тақозо этди.

Ҳозирги вақтда Ғарбий Европа мамлакатларида 7 миллиондан зиёд тамомила ишсизлар бор. Бу — аввалги 5 йилдагига нисбатан икки баравар кўп. Экономистлар яқин келажакда ишдан маҳрум бўлиб қолган кишилар сони яна анча ортади, деб фараз қилмоқдалар.

(ТАСС).

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК БИЛДИРИЛМОҚДА

Испанияда мамлакатни Шимолий Атлантика блокига тортиш йўлидаги уринишларга қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда. Тараққийпарвар жамоатчилик АҚШ ва НАТО ҳарбий стратегларининг ахтиналашиб қолганлигини зўр ташвиш билан кузатиб бормоқда. Парижда чиқадиган «Юманите» газетасининг ёзишича, ана шу стратеглар Испанияни НАТОга аъзо қилиш мақсадида Мадридга қилаётган ҳужумини фош қилиб қўймоқдалар.

Испания Социалистик ишчи партиясининг бош секретари Филипе Гонсалес Лас-Пальмас шаҳрида (Канар оролларида) ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаган нутқида Испания Социалистик ишчи партияси Испаниянинг НАТОда қатнашуви унинг миллий манфаатларига зиддир, деб ҳисоблайди, деди.

Социалистик халқ партиясининг раиси Энрике Тьерно Гальван Испаниянинг Шимолий Атлантика блокига киришига қарши чиқди. «Испания, —деди у матбуот конференциясида, — НАТОга аъзо бўлиб кирмаслиги керак. Мамлакатнинг ҳар қандай тарзда шу ташкилот билан яқинлашуви АҚШга қарамликни янада кучайтириб юборади ва мустақил ташқи сиёсатни ўтказиш имкониятларидан маҳрум этади».

Депутатлар конгрессининг раиси, демократик марказ иттифоқининг ҳукмрон группасига кирган асосий сиёсий ташкилотлардан бири христиан-демократик партиянинг раҳбари Альзарес де Миранданинг гаплари ҳам матбуотнинг эътиборини ўзига жалб этди. У Лас-Пальмесда журналистлар ҳузурида гапириб, Испаниянинг НАТОда қатнашуви унга наф келтира олишига шубҳа билан қараганлигини айтди. (ТАСС).

МАОЧИЛАРНИНГ ХАТАРЛИ ЙЎЛИ

«Работническо дело» газетаси «Пекиннинг платформаси: кескинликни юмшатишга қарши кураш ва антисоветизм» сарлавҳали мақола эълон қилди.

Мақолада бундай дейилади: Пекиннинг ташқи сиёсат йўли ҳозирги халқаро муносабатларда ҳамон салбий омил бўлиб қолмоқда. Маочи раҳбарларнинг ташқи сиёсат стратегияси ва дипломатик тактикаси аввало замонамизнинг асосий ижобий тенденцияларига қарши йўналишда бормоқда: гегемончилик, милитаризмнинг, тинчлик ва тараққиёт кучларига нисбатан душманчиликнинг заҳарли ғоялари билан бошдан-оёқ суғорилган.

Ўтган ҳафтада Пекин раҳбарларининг антисоветизм ва кескинликни юмшатишга нафрат платформасида турганлигини кўрсатувчи янги далиллар пайдо бўлди. ХХР давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Дэн Сяопин Пекинда сўзлаган нутқида яқинда иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун Совет Иттифоқи қилган ҳаракатни Хитой қатъиян рад этади, деган гапни айтди.

Совет давлати ўз ўрталаридаги муносабатларнинг принциплари тўғрисида қўшма баёнот эълон қилишни иккала мамлакатга таклиф этиш орқали кўрсатган тинчликсеварлик ташаббусига Хитой маъмурларининг жавоби ана шундай бўлди Холбуки, томонлар ана шу принципларга асосланса, ўз муносабатларини тинч-тотув яшаш асосига қуришлари, тенг ҳуқуқлилик, суверенитет ва территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ва куч ишлатмаслик принципларига қаттиқ риоя қилишлари мумкин бўлур эди. Шуниси характерлики, Пекин Совет Иттифоқининг таклифини шунчаки рад этибгина қолмай балки сиёсий, иқтисодий психологик ва бошқа турдаги тазйиқ ўтказишнинг ҳамма воситалари ҳамда методларини ишга солиб бошқа халқларга ҳам Советларга қарши сиёсатни тиқиштиришга жамики реакцион, энг агрессив кучларни реал социализмга қарши қилиб қўйиш, кенг миқёсда Советларга қарши блок тузиш учун шу кучларни бирлаштиришга актив равишда уринмоқда.

Фақат биргина мисол келтирамиз. Пекин неча йиллардан бери Японияни милитарист ва реваншчи доиралари орасидан ўзига таянч қидирмоқда. Япония билан ХХР ўртасида тузилмоқчи бўлган шартномага Совет Иттифоқига қарши қаратилган моддани киритиш мақсадида япон бизнесменларини, шу мамлакатнинг давлат ва жамоат арбобларини «гангитмоқда». Бироқ, Хитойнинг сиёсати ҳаддан ташқари ибтидоий антисоветизм рухида эканлиги кўриниб турибди: маочи гегемончилар дудмал иборалар ёрдамида Японияга афкор оммасини ғафлатда қолдиришга, шу тарика Советларга қарши йўналиши сезилиб турган шартномани имм-жимида имзолатиб олишга эришишга уринаётган бир пайтда ҳалиги Дэн Сяо-пин деган кимсанинг ўзи Ғарбий Германия парламентининг аъзолари олдида Пекиннинг асл мақсадини ошкор қилиб қўйди: «Совет Иттифоқига қарши туриш учун Шарқда Хитой билан Япония, Ғарбда эса Ғарбий Европа мамлакатлари билан АҚШ ўз куч-ғайратларини бирлаштиришлари лозим...» — деди у.

Бундай сиёсатнинг қалтабинлиги равшан. Тарихда Советларга қарши турли-туман хатти-ҳаракатлар, кампаниялар дипломатик ғалвисликлар неча марталаб шармандаларча барбод бўлганлиги маълум. Қуролланиш пойгасини янада кучайтириш учун қилинаётган даъватлар муҳолифликни авж олдириш икки томонлама битим ва шартномаларни ўзга мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратиш. — Хитой ташқи сиёсатининг барча ана шу авантюристик элементлари халқларнинг тинч халқаро муносабатларнинг янги одилона системасини вужудга келтириш истагига мутлақо мос келмайди.

Болгария Компартияси XI съездининг маоизм таназзули янги босқичга кўтарилди, эндиликда у энг реакцион кучлар билан тинч-тотув яшаш ва социал тараққиётнинг ошкора душманлари билан иттифоқ тузишга киришди. маочиларнинг хатти-ҳаракатлари халқлар тинчлиги ва хавфсизлигига тобора кўпроқ хавф солмоқда, деб чиқарган хулосаларини пекинлик раҳбарларнинг сўнгги гаплари ва ҳаракатлари тасдиқлаб турибди. (ТАСС).

РИМЧАСИГА ЎҒИРЛИК

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

Италия пойтахтининг Камилучча кварталида яшовчилар 17 март тонгида бетартиб ўқлар овозидан уйғонишди. Бир тўда террорчилар христиан-демократик партия миллий кенгашининг раиси Альдо Моро тушган машинани ҳар тарафдан ўраб олиб, бу ерда автомобиллар тўқнашувини жуда усталик билан бажардилар. Ана шундан кейин террорчилар Альдо Моронн қўриқлаб кетаётган соқчиларни отиб ташладилар, унинг ўзини эса ўғирлаб кетдилар. Беш соқчидан тўрттаси жиноят содир бўлган жойнинг ўзидаёқ, бешинчиси эса бир неча соат ўтгач госпиталда жон берди.

Римда рўй берган бу жиноят Италиянинг янги сиёсий раҳбарлиги парламентдаги кўпчиликка таяна бошлаган пайтда содир бўлди. Маълумки, мамлакат раҳбарлик органига христиан-демократлар ва бошқа партияларнинг вакиллари ҳамда Италия коммунистик партиясининг аъзолари кирган эдилар. Альдо Моро ана шу янги ҳукуматга ишонч вотуми ҳақидаги парламент муҳозаралари белгиланган кунининг тонгида ўғирлаб кетилди.

Бундан кузатилган мақсад нима? Кўпчиликнинг фикрича бундан мақсад Италияда қўрқув ва кескинлик вазиятини келтириб чиқаришдан. Конституция воситалари ёрдамида тартиб ўрнатиш мумкинлигини шубҳа остига қолдиришдан, коммунистлар ва сўл кучларга бўлган ишончга путур етказишдан иборатдир.

Амалга оширилган бу фитна АҚШнинг коммунистлар давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши мақбул эмас, деб Ғарбий Европа мамлакатларини «огоҳлантириши» биланок вужудга келганлигини шарҳловчилар ўқтириб ўтмоқдалар.

Камилуччада амалга оширилган ва кенг миқёсда режалаштирилган бу фитнада фашистларга тарафдор кучлар ва Ғарб мамлакатларининг шу кучларга йўл-йўрик кўрсатаётган разведкалари, НАТО агрессив доиралари вакилларининг қўли бор деган фикрлар кун сайин баралла айтилмоқда. Жиноят содир бўлган кундан бери кўп вақт ўтган бўлса ҳам террорчиларнинг изига тушишга муваффақ бўлинмади. Италия газеталари Камилуччадаги жиноят изи эҳтимолки, чет эл ғаразгўйларига тақалар, бу жиноят услуби «ўзларини ўта сўллар деб кўрсатувчи ўнг унсурларнинг услубига» ўхшайди, деб таъкидламоқдалар.

Италияда юз берган сиёсий жиноятдан сўнг бир неча соат ўтгач мамлакатда умумий забастовкалар бошланди. Италиянинг барча йирик шаҳарларида намойиш ва митинглар бўлиб ўтмоқда. Уларнинг қатнашчилари «Террорчиликка йўл йўқ!» дейишмоқда ҳамда республика тузуми ва демократик ғалабаларни ҳимоя этишни талаб этмоқдалар.

А. РЎЗИЕВ.

Телетайп лентасидан

● ГАВАНА. Кубанинг Майари шаҳрида энг замонавий техника билан жиҳозланган катта телефон узели фойдаланишга топширилди. Шу тўфайли Ольгин вилоятининг никель рудасига бой кончилик зонасидаги аҳоли пунктлари эндиликда автомат телефон алоқаси билан таъминланди.

Социалистик Кубада телефон алоқасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Революция ғалабасига қадар мамлакатнинг кўпгина районларида умуман телефон йўқ эди, ҳозир эса бу соҳадаги аҳвол тубдан ўзгарди. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликда республикада кенг телефон тармоғи барпо этилди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон давлат секторининг корхоналари 31 мартда тугайдиган 1977-1978 молия йилида экономиканинг кончилик, металлургия, цемент ва нефть химияси саноати сингари муҳим тармоқлари учун асбоб-ускуна ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларга эришдилар.

Саноат министрлигининг бу ерда эълон қилинган докладида давлат секторининг корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илғор технологияни ўзлаштиришга катта аҳамият берилди, дейилади.

(ТАСС).

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

ИҚБОЛ

Бундан салқам ўттиз йил аввал қад кўтарган ишчилар шаҳарчаси ҳозир Тошкентнинг баҳаво, серсув, боғ-роғларга туташиб нетган сўлим гўшаларидан бири бўлиб қолган. Шу ерга жойлашган соя-салқин бир хонадондан ҳар куни эрта билан нумушранг «Москвич» енгил автомашинаси чиқиб авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси томон йўл олади. Унинг ҳайдовчиси ҳам, машинадаги одамлар ҳам, маршрут ҳам ўзгармайди. Рулда ўтирган буғдойранг, ўрта бўйли тўлагина киши — Кабир Расулов, заводда стандарт бўйича конструкторлик бўлимининг бошлиғи. Унинг ёнидаги аёл эса Ўктамхон Расулова, Кабир аканинг ғафиқаси, у ҳам шу бўлимда бир ҳам йигирма йилдан бери ишлайди. Уларнинг ўғил-қизлари, нуёвлари, қариндошлари, қўйнингчи, жами ўн бир киши шу корхонада хизмат қилмоқда. Касб-корлари ҳам ҳар хил. Конструктор, инженер, слесарь, техник, лаборант, механик... Иш стажларини бирга қўшиб ҳисобланса 120 йилни ташкил этади. Ана шу кишиларни тарбиялаб вояга етказган бир улуғ зот — мўътабар она борки, ҳикоямиз ҳам ана шу ниши ҳақидадир.

Наврўзнинг толлар баргак ёзиб, ҳавода навбаҳорнинг тотли иси анқиган кунларидан бирида Нурихон аянинг ўғил-қизлари уни туғилган куни билан муборакбод этгани тўпланишди. Ая шу куни 70 ёшга қираётган эди. Ўғил-қизлари, қариндош-уруғлари бир уй бўлиб даврани тўлдиришган.

Нурихон ая етмишинчи баҳор юзини кўряптилар. Лекин бу муборак ёшнинг қувончли кунлари ҳам, қийин, машаққатли ва ташвишли йиллари ҳам кўп бўлган. Балки уни иззат-ҳурматга лойиқ этгани ҳам худди ана шу машаққатлардан сабот билан ўтгани, ҳамма вақт эл-юрт учун хизматини аямагани сабаб бўлгандир.

Ҳануз унинг эсида. Нурихон ая турмуш ўртоғи Саидқодир акани фронтга кузатиб, уч фарзанди билан ёлғиз қолди. Бир ёқда турмуш қийинчиликлари, рўзғор етишмовчиликлари, бир ёқда мактаб, таълим-тарбия. Қанчалик қийин бўлмасин у севган касби — ўқитувчиликни давом эттирди. Фарзандларига яхши таълим беришга, уларни отаси Саидқодир ака каби меҳнатсевар, элга қайишадиган одам қилиб етиштиришга ҳаракат қилди...

У кунлар Кабир аканинг ҳаётига ҳам ўчмас бўлиб муҳкам ўрнашган. Уруш бошланиб отаси фронтга кетгач, бир куни она уни ФЗУга бошлаб борди. Шогирдликка берди. Кабир ҳам ёшлигиданоқ укувли бола эди, бир ой ўтмай ишнинг ҳаросини олиб қолди. У станокка бўйи етмаган тенгқурлари сингари оёғи остига ғишт тахлаб ишга шўнғиб кетди. Ўт чақнатиб темир кесди. Оғир ишда қадоқланган қўлларига заҳ билан қарайдиган бўлди. Уруш йиллари ниҳоятда оғир, ишлаб чиқаришдаги барча иш ана шундай ўсмирларнинг зиммасига тушган эди. Кабир ҳам баъзи пайтларда ҳафталаб цехда колиб кетар, дастгоҳи ёнида мизғиб олиб яна ишга ўннар, фикри ҳаёлида кўпроқ меҳнат қилиш эди, ўзи ясаётган ана шу самолётлар душман бошига ажал ёғдирса, уруш тугаб дадаси тезроқ фронтдан қайтса.

Мастер Николай Киселев ёш Кабирга чинакам оталик қилди, унга ҳунар ўргатди, станокда қай тартибда ишлашдан тортиб, интизом, тартиб, муомаладан дарс берди, коллективга нисбатан меҳр уйғотди. Устанинг кўмаги ва маслаҳати билан Кабир тез орада мустақил ишчи бўлиб етилдигина эмас, вақти келиб унинг ўзи ҳам қатор-қатор шогирдларга устозлик қилди.

...Она-бола бир-бирларининг кўнглидан ўтаётган гапларни илгагандай мамнун жилмайиб қўйишди. Даврада ўйин-кулги авж оларди. Меҳмонлардан бири қўлига рубоб олди. Унинг сеҳрли торларидан кўчган куй, ажиб оҳанг дилларда ҳаяжон уйғотди. Хонада ўйинталаб «Тановар» янгради. Бир чойнак чой дамлаб кирган Ўктамхон қўлидаги чойнакни дастурхон чеккасига қўйди-да, Нурихон аянинг рўпарасига бориб тавозе билан эгилиб «салом» берди ва қўлларини нозик кўтариб рақс бошлади.

Бу хонадонда Ўктамхон Нури аяга энг яқин фарзанд бўлиб қолган эди. Нурихон ая мана кўп йиллар ўтяптики, уни «Ўктамхон болам» деб йўқлайди. «Умрингиздан барака топинг» деб мамнунлигини билдиради. Унинг дил ҳушнудлиги, кўнгли чароғонлиги ҳам ана шу муҳтарам онахондан. Унинг бахти-фароғати, топган иззат-икромига ҳам ана шу онахон сабабчи. Ўктамхоннинг шундай машҳур заводда конструкторлик бўлимида ишлашида, фарзандларини тарбиялаб вояга етказишида ана шу қамтар ва фидойи онанинг қанчадан-қанча заҳматлари синган. У аядан бир умрга миннатдор.

...Ўктамхон даврани айланиб яна ая рўпарасида тўхтади. Қайнона ва келиннинг бу самимияти, сирдошлиги даврадагилар қалбига завқ-шавқ бахш этди. Ўктамхон кўшни хонага ўтиб қайнонаси учун ҳозирлаб қўйган совға-саломини олиб чикди. Костюмнинг тахини оҳиста бузиб, Нурихон аянинг елкасига солди.

Бир дақиқа даврага сукут оралади. Костюмнинг кўкрагида «Маориф аълочиси» нишони, «Меҳнат Қизил Байроқ», «Ҳурмат белгиси» орденлари чироқ нурида ярқираб кетди. Йиғилганлар ўринларидан туришди. Кимдир келиб онанинг қўлларига бир даста баҳорнинг анвойи гулларидан тутди. Даврада баҳор нафаси, бахтли даврон нафаси гуркираб кетгандай бўлди. Нурихон аянинг юзларига қизил югурди... Ана шу паллада кўкрагидаги нишонларга унинг кўзи тушганди.

— Болаларим, — деди у,— мен нима ҳам деяй, аввало мени йўқлаб ҳурматлаб бир даврага тўпланганингиз учун сизларга раҳмат. Тинч-тотувлигингиз учун, эл-юрт хизматига камарбаста лигингиз учун раҳмат. Инсон учун энг олий туйғу — бу миннатдорчилик туйғусидир. Сен ўстирган фарзанд ким бўлиб етишди, ҳаётдан ўз ўрнини тополдими, сен она бўлиб бақшида этган умрни сен ҳавас қилгандай ва умид боғлагандай давом эттирдими. Ҳамма гап ана шунда. Мен бу ҳақда ўйлаганимда шу саволларни ўзимга берганимда жуда ҳам мамнун бўлиб кетаман. Чунки сизлар эл-юрт учун хизмат қилиб, унинг ишончини оқлаяпсиз. Бундан фахрланишга муяссар этганингиз учун раҳмат.

Она тўнғич фарзандига юзланди.

— Ўғлим Кабиржон, бугун мен яна шундан ҳурсандманки, — деди у, — 32 йил муқаддам айнан бу куни сен Коммунистик партия сафига қабул қилинган эдинг. Бу мен учун ҳам катта бахт эди. 32 йилдирки, сен бу қутлуғ номни муқаддас тутиб келмоқдасан. Сени мақташимнинг яна бир сабаби укаларинг, сингилларинг ҳам сенга эргашиб, сендан ўрганишди, сендан ўрнак олишди. Минг раҳмат сенга.

Нурихон ая сўзини тугаллаб атрофидагиларга бир қур назар солди. Она ҳурсандлигини, ҳаяжонини фарзандларидан яширолмасди.

Чиндан ҳам Нурихон ая айтганидай Кабир ака очган сўқмоқ, бошлаган иш бу оила аъзоларини қатта ҳаёт йўлига олиб чиқди. Укалари Анвар, Саидаҳмад, қизи Ақидахон, ўғли Саид, Самад, яна Ойпошша ва Шоҳидахонларнинг бири инженер, бири конструктор, яна бирови технолог, слесарь, механик бўлишди.

Кабир аканинг меҳнат фаолиятига оддийгина бир назар ташлашданоқ у босиб ўтган йўлнинг ғоят мураккаб бўлганини англаш қийин бўлмайди. Уруш йиллари оёғи остига ғишт териб станокка тирмашган ўсмир ўрта маълумотли бўлди. Нурихон аянинг маслаҳати билан Тошкент самолётсозлик техникумининг кечки бўлимида таҳсил кўрди. Ишдан ажралмаган ҳолда ўқиб ўз мутахассислиги бўйича олий маълумот олишга муваффақ бўлди. Унинг бу ҳалол хизматлари, ишлаб чиқаришдаги жонкуярлиги «Фахрли Чкаловчи», «Меҳнат ветерани» деган фахрли номларга сазовор этди. СССР Авиация саноати министрлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Халқ хўжалигини ривожлантириш ўнинчи беш йиллик планларида техника тараққиётининг энг муҳим омилларидан бири бўлган стандартлаш соҳасига ҳам алоҳида эътибор берилган. Кабир ака Расулов раҳбарлик қилаётган стандартлаш бўлими махсус деталларни тайёрлашда, уларга механик ишлов бериш олдини олиш мақсадида ҳар йили 20-25 тагача махсус профилли норма таклиф этмоқда. Бунинг натижасида ана шу операциядаги оғир қўл меҳнати қисқартирилиб, кўплаб рангли металларни тежашга эришилмоқда. Стандартлаш соҳасида кўп йўллардан бери хизмат қилаётган бўлим ходимларидан Р. Скрипко, А. Иброҳимов, В. Голубенко, Р. Айрапетова, А. Белоусова Кабир ака билан бирга шу бўлимда 30 йилдан бери ишлаб келмоқдалар. Улар новатор инженер-конструктор сифатида «Стандартлашда кўрсатган хизмати учун» деган нишон билан тақдирланганлар.

Нурихон ая умрининг ўн беш йилини ўз маҳалла комиссиясига раис бўлиб ўтказган, эл-юрт юмушини сидқидилдан бажарганди. Бугун эса она тарбиясини олган фарзанд — Кабир ака бирлашма парткомининг аъзоси сифатида жамоат ишларида бош-қош.

...Нурихон ая хонадонининг очиқ деразасидан таралаётган куй, шодон кулги узоқ давом этди. Бу куй бутун бир ишчилар хонадонига ҳаёт ва бахт ҳадя этган онанинг умрбоқийлигидан сўзламоқда эди.

Охунжон СОБИРОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТГА

ОҚ СПАРТАКИАДА ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Мамлакатимиз спорт ҳаётида йирик воқеалардан ҳисобланган Оқ спартакиада мусобақалари поёнига етди. СССР халқлари қишки IV спартакиадасининг ҳал қилувчи мусобақаларида икки мингдан знёд спортчи чемпионлик учун курашди. Свердловск шаҳрида спартакиада байроғи қарийб икки ҳафта мобайнида ҳилпираб турди. Спартакиада совет спортчиларининг ўзига хос спорт байрами, маҳорат кўригига айланди.

Бундан тўрт йил муқаддам ўтказилган Спартакиада баҳсларида фақат тоғ чанғичиларимиз иштирок этган эдилар. Бу сафар эса, республикамиз вакиллари тоғ чанғи, фигурали учиш ва хоккей бўйича Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилдилар. Республика терма командаси сафида икки спорт мастери, саккиз мастерликка номзод ва қирқдан знёд биринчи разрядли спортчи бор эди. Агар, спартакиада мусобақалари марказига айланган Свердловскда фигурачиларимиз майдонга тушишган бўлса, тоғ чанғичилари Грузиянинг Бакуриани поёлкасида стартга чиқдилар. Первоуральск шаҳрида эса хоккейчилар шайба сурдилар.

Республикамиз очколар жамгармасига биринчи бўлиб чанғичилар улуш қўшдилар. Катталар жами 24 очко тўплашган бўлса, ёшлар бу ҳисобни яна тўртгага оширишди. Хоккейчиларимизнинг омадлари юришмади. Улар ҳал қилувчи ўйинларда ҳам имкониятларни бой беришди. Фақат. Литва командаси билан учрашувда муваффакият (6:1) қозонишиб, ўн бешинчи ўринни эгалладилар.

Оқ спартакиада баҳсларида республика фигурали учиш мактабининг талабалари дуруст натижаларга эришдилар. Спартакиада олдидан ўтказилган Ўзбекистон шахсий команда чемпионати йирик мусобақага йўл олувчи фигурачиларни саралашда ўзига хос қўрик бўлганди. Свердловскда вакилларимиз спорт мастерлари ҳамда мастерликка номзодлар программаси асосида баҳслашдилар. Фигурачиларимиз жами 47 очко тўпладилар. Биринчи қалдиргочлар — дастлабки спорт мастерларимиз Галина Грибанова билан Игорь Гилинлар ўзларининг катталарга хос нафосатли ҳаракатлари билан мухлисларни ром этишди. Мутахассислар улар ҳақида яхши фикрлар билдирдилар. Жумладан жуфт бўлиб учиш бўйича мамлакат терма командаси тренери М. Дрей тошкентлик фигурачиларнинг галдари чиқишларидан мамнун бўлганини айтди. Халқаро ва мамлакат мусобақаларида куч синашиб, эътибор қозонган Галина билан Игорлар Спартакиада муз майдонига тушган 20 нафар кучли спортчилар орасида ўнинчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Бу, гарчанд фахрли ўрин бўлмасада. Спартакиададек йирик мусобақада ўнинчи бўлиш спортчиларимизнинг маҳоратлари ортаётганлигидан далолатдир.

Шунингдек, Лариса Попова билан Олег Брусов ўн еттинчи ўринни олишди. Елгиз учиш бўйича куч синашган Равшан Жалолов республикамиз командасига қимматли тўрт очко келтирди.

Ҳар қалай Оқ спартакиадада куч синашган республикамиз вакиллари қурук қайтишмади. Вакилларимиз сердиёш ўлкада спортнинг қишки турларига эътибор берилаётгани, муҳими йил сайин у оммавийлик касб этаётганлигини намойиш қила оладилар. Оммавийлик бор ерда эса маҳоратли ва истиқболли ёшлар кўзга ташланаверади.

Т. КИСТАНОВА.

Суратда: Галина Грибанова билан Игорь Гилин.

КУРАШ: **ХАЛҚАРО УЧРАШУВДА**

Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида Япония ва Ўзбекистон самбочилари ўртасида халқаро учрашув ўтказилди. Полвонлар тўққиз вазн бўйича беллашдилар. Республикамиз вакиллари умумий ҳисобда (7:2) муваффақият қозондилар. Меҳмонлардан Чкикута Жимко билан Комато Мицунори ғолиблик қилишган бўлса, ўзбекистонлик самбочилардан Комил Ибатулин, Қодир Қандимов, Комил Юсупов, Сергей Стешников, Василий Аникин, Турсун Бадалов, Владимир Сободиревлар фахрий сўнанинг юқори погонасига кўтарилдилар. Энди япон самбочилари Самарқанд ва Бухороликлар меҳмони бўладилар.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

● **СУЗИШ.** Харьковда «Комсомольская правда» газетаси совғини учун қурашда тошкентлик А. Калинников 100 метрга чалқанча сузиш бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

● **БОКС.** Олмаотада халқаро турнир мусобақалари бошланди. Беллашувда куч синашаётган андижонлик Ф. Пан дастлабки учрашувни қозогистонлик Петухов билан ўтказиб, муваффақият қозонди.

● **ФУТБОЛ.** Тбилисида москвалик динамочилар Европа кубок эгалари кубоги учун курашнинг ярим финалида Австриянинг «Аустрия» клубини қабул қилдилар. Дастлабки учрашувда динамочилар галабага (2:1) эришдилар. Тўпларни меҳмонлардан Баумайстер, динамочилардан Церетели билан Гершковичлар киритишди. Такрорий ўйин 12 апрелда Вена шаҳрида ўтказилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1978—1979 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТНИНГ I-КУРСИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ПЛАНЛАШТИРИШ, САНОАТНИ ПЛАНЛАШТИРИШ, МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ЭКОНОМИКАСИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ПЛАНЛАШТИРИШ, САВДО ЭКОНОМИКАСИ, МОЛИЯ ВА КРЕДИТ, СТАТИСТИКА, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ (саноатда, қишлоқ хўжалигида, савдода, банкларда).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 5 ЙИЛ.

Институтга кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, иш жойидан характеристика, меҳнат (колхоз) дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи тўғрисида справка (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Кирувчилар олий ўқув юртига келганларидан кейин паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга мансублиги ҳақидаги гувоҳномани кўрсатишлари зарур.

ҲУЖЖАТЛАР 20 АПРЕЛДАН 31 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 15 МАЙДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА БИР НЕЧА ПОТОКЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Кирувчилар ҳамма мутахассисликларга (қишлоқ хўжалигини планлаштиришдан ташқари) ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма), математика (оғзаки), СССР тарихи ва географиядан (оғзаки); қишлоқ хўжалигини планлаштириш ихтисослигига кирувчилар СССР тарихи ўрнига биологиядан (оғзаки) кириш имтиҳонларини топширадилар

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй. Қабул комиссияси. Телефон: 44-18-45.

Институт филиали — АНДИЖОН шаҳри, Фрунзе кўчаси, 19-уй. Телефон: 45-538.

ҚЎҚОН шаҳридаги умумиқтисод сиртқи факультети — Энгельс кўчаси, 2-уй. Телефон: 26-63.

ИНСТИТУТНИНГ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРДАГИ ЎҚУВ ПУНКТЛАРИГА:

САМАРҚАНД шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 60-уй. Телефон: 32-321.

ҚАРШИ шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Телефон: 65-41.

НУКУС шаҳри, Калинин кўчаси, 106-уй. Телефон: 34-87.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ

128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978 — 1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

ҳаранатдаги трамвай ва троллейбуслар составларининг электр ускуналари ва радиосаппаратураларни тузатиш бўйича слесарь-электрик, тортиш подстанцияси диспетчери, саноат ва электр ускуналари бўйича электромонтёр.

ЎҚИШГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ 17 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

Контакт ва кабель тармоқларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр, тортиш подстанцияларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ 17 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Трамвай вагонларининг ҳайдовчилари, троллейбус ҳайдовчилари.

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ 17 ЯРИМ ЕШ ВА УНДАН КАТТА ЕШДА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

Енгил, юк ва махсус автомашиналар ремонти бўйича автослесарь.

ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ҲАР ОЙДА 30 СУМДАН СТИПЕНДИЯ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДАГИ ИШ ҲАҚИНИНГ 33 ПРОЦЕНТИНИ ОЛАДИЛАР.

ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

трамвай вагонлари ва троллейбусларнинг электр ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь-электрик, ҳаранатдаги трамвайлар ва троллейбуслар ремонти бўйича слесарь, контакт ва кабель тармоғининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр, металл бўйича токарь, тортиш подстанциясининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ЙИЛ.

Билим юртига қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, қийим бош, ётоқхона ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар. Улар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА КЕЧКИ МАКТАБ МАВЖУД.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ТЕХНИКУМ ВА ИНСТИТУТЛАРГА КИРИШДА ИМТИЕЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, характеристика, таржимаи ҳоли, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, билим юрти директори номига ёзилган ариза, медицина кўриги билим юртида ўтказилади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 125, Куйбишев район, Красновосточная кўчаси, 3«а»-уй (62, 73-автобусларнинг «Красновосточная» депоси, 17, 69, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбуснинг «Високовольтний» массиви бекатлари). Телефон: 62-34-57.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/III да **Этик нийгин мушук** (12.00), **Жизель** (19.00), 1/IV да **Катта концерт** (13.00 да, билетлар сотилган), **Севилья сартароши** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/III да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Саҳро тор** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/IV да **Шаҳзода ва етим қиз** (18.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (12, 16, 19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Қасоскор** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Қасоскор — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ҚОЗОГИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ун иккинчи стул — «ИСКРА» (19.30).

Тиль ҳақида афсона — «ПИОНЕР» (14, 17, 20.00).

Севмоқ ва яшамоқ ғазри — «МИР» (жуфт соатларда).

Таҳдир — «ТИНЧЛИК» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг бошқарма раҳбарлиги, партия ташкилоти ва шахсий состави милиция майори

Турон ОРТИҚОВнинг

бевақт вафот этганлигини маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Ўзбекгидрогеология» бирлашмаси аппарати ва «ГИДРОИНГЕО» институти коллективлари Бош директор ўринбосари Р. С. Сайфуллаевга онаси

Муҳтарам САПАРАЛИЕВанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

АХБОРОТ

САНЪАТ ХАБАРЛАРИ

«ПИКОВАЯ ДАМА»

Пётр Ильич Чайковскийнинг «Пиковая дама» операси санъат дурдоналаридан ҳисобланади. У шу вақтга қадар деярли барча опера ва балет театрларида саҳна юзини кўрган. Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек давлат академик Катта опера ва балет театри ҳам бу асарга аллақачон мурожаат қилган бўлиб, муваффақиятли спектакль яратган эди.

Театр яқинда «Пиковая дама»га иккинчи бор мурожаат қилди. Асарни бу гал режиссёр Ф. Сафаров саҳналаштирди. Юксак профессионал маҳорат билан саҳнага қўйилган операнинг премьераси томошабинлар томонидан кизғин кутиб олинди. Спектаклга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Абдукаюмов дирижёрлик қилмоқда.

«ГАНГ ДАРЕСИНИНГ ҚИЗИ»

Ҳинд адабиётининг классиги Рабиндранат Тагорнинг «Халокат» романи совет китобхонларига яхши таниш. У биринчилар қаторида ўзбек тилига таржима қилинган эди. Бундан бир неча йил муқаддам, аниқроғи, 1956 йилда Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрининг режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Александр Осипович Гинзбург ана шу машҳур асар асосида инсценировка ёзди ва уни театрида саҳналаштирди. «Ганг дарёсининг қизи» деб аталган бу спектакль кўп йиллар театр репертуарини безади.

Мана, ниҳоят, у яна саҳнада. Спектаклга А. О. Гинзбург талқини асосида Баҳодир Йўлдошев ва Эркли Маликбоевалар режиссёрлик қилдилар. Спектаклдаги асосий қаҳрамон — Камола ролини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ойдин Норбоева билан актриса Гулчехра Жамилова ижро этмоқда.

«БУ ЗАМОН ҲАЛОКАТИ»

Максим Горький номидаги Фарғона область ўзбек давлат музикали драма ва комедия театри ижодий коллективи яқинда ўз мухлисларини яна бир янги асар билан ҳурсанд этди. Театр бош режиссёри Носир Отабоев драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Бу замон ўғлони» драмасини муваффақиятли саҳналаштирди.

Ю. БЕКМУРОДОВ.

Кўчат экинг, боғ қилинг

ЯНГИ ХЎЖАЛИК ДОВРУҒИ

Избоскан районида кўчат етиштиришга ихтисослашган совхоз тузилганига кўп бўлгани йўқ. Лекин бу совхоз қисқа вақт ичида бутун республикага танилди. Совхозда етиштирилаётган мева кўчатларига бўлган талаб йил сайин ортиб бораяпти. Шу кунларда республикамиз областларидан, айниқса, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қорақалпоғистон АССР, қардош Қирғизистон. Озарбайжон ва бошқа жойлардан келишиб, совхоздан машинамашина кўчат олиб кетишяпти.

— Биз фақат кўчат етиштириш билан чегараланиб қолмасдан боғлар ҳам барпо этяпмиз. — деди совхознинг бош агрономи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Тўхтиддин Мамадалиев биз билан сухбатда, — ўтган йили аҳолига 540 тонна мева, 90 тонна узум етказиб бердик. 1 миллион 632 минг сўм даромад олдик. Совхознинг рентабеллик даражаси 53 процентга кўтарилди.

Тўхтиддин ака боғдорчилик илмини яхши билади. 23 йилдан буён шу иш билан шуғулланади. У бизга совхознинг ажойиб боғбонлари ҳақида гапириб берди:

— Тўхтасин Насриддинов ҳар мавсумда 40 минг туп дан кўчатни пайванд қилиб, рекорд кўрсаткичга эришиб келарди. Турсунхон Сиддиқова бир мавсумда 41 минг туп кўчатни пайвандлаб, ундан ўтиб кетди. Энахон Ўрмонова токларнинг «тили»ни мукаммал билиб олди. Мирзамаҳмуд Мадаминов, Мирзабаҳром Раҳимов ва бошқа соҳибкорларимиз билан фахрланамиз. Улар бутун куч-қувватларини олий навли мева кўчатлари етиштиришга сарф қилаётирлар. Тракторчи Асқарали Курбонов боғбонларнинг ишини енгиллатишда фидокорлик кўрсатяпти. Унинг бир ўзи кўчатларга ишлов беришга улгуряпти.

Бош агроном бизни янги лимонзорга бошлаб борди. Лимон ўстириш учун ердан уч метр пастда махсус ўралар қурилган. Ўранинг тўрт томони ойнали бўлиб, устидан плёнка ёпилган. Қишда иситишнинг ҳожати йўқ. Ернинг тафти билан ўсаверади. Ҳар бир ўранинг узунлиги 60 метр бўлиб, 450 туп лимон экилган.

Совхоз коллективи бу йил 900 минг туп мева, 3,5 миллион туп узум, 330 минг туп гул, 200 минг туп манзарали дарахт кўчати, 5 минг туп лимон кўчати етиштириш мажбуриятини олди. Бу кўчатлар кузда етилади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Флиппер» (бадиий фильм, 9-серия). 10.40 — «Звёздочка». 11.30 — Концерт-вальс. 11.55 — «Китоб ҳафталиги» 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.35 — Фильм-концерт. 16.05 — «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». 16.45 — «Москва ва москваликлар» 17.15 — «Ижро этилмаган роль» (телеспектакль, 2-қисм). 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Мультфильм. 19.10 — «Иттифоқдош республикалар Конституцияларининг лойиҳалари тўғрисида суҳбатлар». 19.40 — Қисқа метражли телебадиий фильмлар. 20.45 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Бокс. СССР — АҚШ. 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Фильм-концерт. 11.55 — «Светофор». 12.55 — «Диққат, тошбақа!» (бадиий фильм). 14.15 — «Газал оқшоми» (такрорий). 18.00 — Мультфильм. 18.10 — ВЛКСМ 60 йиллигига. 18.40 — «Саодатнома». 19.05 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Оламга саёҳат». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 «Ноннеъмат бунёдкори». 22.15 — «Дон Сезар де Базан» (кинокомедия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Бадиий фильм. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — «Кўча ҳаракати ҳавфсизлиги учун». 21.00 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Тошкент» телепрограммаси. 22.00 — Ҳужжатли фильмлар.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек классик қўшиқлари. 9.30 — Ўзбек авторларининг оммавий қўшиқлари. 11.15 — «Қишлоқ магазинларининг, пештоқларида». 11.30 — Ж. Охунов куйлайди. 12.00 — «Ўзбекистон индустриальний». 13.30 — Концерт. 14.00 — Пиллачиларнинг янги марралари. 16.10 — Ешлар учун концерт. 18.00 — Москва. «Маиший хизмат ҳамманинг иши». 19.00 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 19.15 — «Юность Узбекистана». 20.00 — «Халқаро аҳвол: саволлар ва жавоблар». 20.45 — Сўнги ахборот. 21.15 — Жонажон ўлка қўшиқлари. 22.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.10 — Радиоспектакль.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БУЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назариясини пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53